

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

2А-МЖ-11 гуруҳ талабаси
Ходиев Муҳаммаджобир Зокиржон ўғли

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Курилишда ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш
муаммолари ва уларни яхшилаш йўллари («Наманган темир бетон
буюмлари» МЧЖ мисолида)

Илмий раҳбар:

проф.Т.Эргашев

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I Қурилишни миллий иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни ва унинг	
БОБ ресурс салоҳияти.....	6
1.1. Қурилишнинг хусусиятлари ва миллий иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни.....	6
1.2. Қурилишнинг ташкилий шакллари, уни бошқаришнинг замонавий тизими ва органлари.....	9
1.3. Қурилишнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	14
II “Наманган темир бетон буюмлари” массъулияти чекланган жамиятда	
БОБ ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш кўрсаткичлари.....	19
2.1. “Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖнинг иқтисодий тавсифи.....	19
2.2. “Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖда иқтисодий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили	24
2.3. “Наманган ТББЗ” МЧЖ да қурилиш маҳсулотларини сифат мониторингини амалга ошириш тизимида чет эл тажрибасидан фойдаланиш.....	26
III Қурилиш корхоналарида ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали	
БОБ фойдаланиш йўналишлари.....	30
3.1. Корхоналарда ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш	30
3.2. Қурилиш корхоналарида меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш.....	31
3.3. Қурилиш корхоналарида айланма фондлари ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш.....	33
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	35
Фойдаланилган адабиётлар.....	37

КИРИШ

Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини бозор талабларига мос ҳолда самарали ташкил этиш объектив заруратдир. Ҳозирги кунда тобора кучайиб бораётган рақобат муҳити ҳамда мунтазам ўзгариб турадиган бозор талаблари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ масалаларга нисбатан бизнинг ёндашувларни мутлақо қайтадан кўриб чиқишимизни талаб қилмоқда. Шу сабабли “корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш”¹ бугунги кундаги муҳим вазифалардан биридир.

Ҳозирда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган янги технологияларнинг ривожланиши ҳамда товарлар, хизматлар, ишчи кучи бозорларидаги рақобатнинг кучайиши корхоналарда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш тизимини фаоллаштириш ва уни янада самарали ташкил этишга қаратилмоқда. Айниқса, мамлакат иқтисодиётини таркибан янгилаш, фан сиғимкорлиги юқори бўлган устувор соҳаларни ривожлантириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Бу эса, аҳолининг тез ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, сўнгги кашфиёт ишланмалари ва технологияларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва товарларининг ҳаётийлик даврини барқарор ўсиб боришини таъминловчи замонавий усулларни кенг қўламда фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ўтган йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, биринчи навбатда, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришганимизни таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, нооziқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди².

Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи ва ишлаб чиқаришда амал қиладиган кучлар унинг омиллари ҳисобланади. Ўсиш юз бермаса иқтисодиёт статик (ўзгармас), аксинча бўлса динамик (ривожланувчи) ҳолатда бўлади. Иқтисодий динамикани эса ишлаб чиқаришни ўстирувчи омиллар таъминлайди. Энг сўнгги иқтисодий ўсиш назарияларига қўра омилларнинг асосийлари: табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати, меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати, ишлаб чиқаришда асосий капитал миқдори ва таркиби ва ниҳоят, ишлаб чиқаришнинг технология даражаси. Булар, албатта, ишлаб чиқариш омилларининг ҳажмини ва сифатини билдиради, иқтисодий ўсиш имкониятларини аңглатади. Эришилган технология шароитида ресурслар маълум даража доирасидаги иқтисодий ўсиш бериши мумкин, чунки ундан чиқишга ресурслар имкон бермайди.

Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш нечоғлиқ катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда стратегик аҳамиятга эга тармоқ корхоналарида маънавий эскирган ва ейилган технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг салмоғи юқорилигича қолмоқда. Бу эса, иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва қўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш масаласини янада долзарб аҳамият касб этаётганлигидан далолат беради.

Модернизация - жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий институтлари ва иқтисодий асосининг ҳар томонлама янгиланишини билдиради. Модернизация бу аниқ ҳаракатлар дастури бўлиб, иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожлантириш, мамлакатимизни дунёдаги тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш йўлига ўтказиш воситасидир.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида “Биринчи навбатда, жаҳон бозорида тенг рақобатлаша оладиган ва кейинги босқичда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган

¹ Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.// Тошкент: Ўзбекистон, 2009 йил. 32-бет.

² Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”.// Халқ сўзи. 17 февраль, 2015 й.

тармоқ ва корхоналарни жадал ривожлантириш ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлаш зарур”³ деб таъкидлайдилар.

Ҳозирда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган янги технологияларнинг ривожланиши ҳамда товарлар, хизматлар, ишчи кучи бозорларидаги рақобатнинг кучайиши корхоналарда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш тизимини фаоллаштириш ва уни янада самарали ташкил этишга қаратилмоқда. Айниқса, мамлакат иқтисодиётини таркибан янгилаш, фан сиғимкорлиги юқори бўлган устувор соҳаларни ривожлантириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Бу эса, аҳолининг тез ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, сўнгги кашфиёт ишланмалари ва технологияларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва товарларининг ҳаётийлик даврини барқарор ўсиб боришини таъминловчи замонавий усулларни кенг қўламда фойдаланишни тақозо этмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётни модернизациялаш, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, таҳлил қилиш, корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш масалалари россиялик иқтисодчилардан Волков О.И, Грузинов В.Г, Сергеев И.В, Крылов Э.И, Шепеленко Г.И. каби олимлар томонидан ўрганилган.

Иқтисодиётни модернизациялаш, корхоналар ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш, бу жараёнга инвестицияларни жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида, шунингдек, С. Ғуломов, О. Хикматов, Т.Эргашев, Э. Махмудов, М.Исоқов ва бошқаларнинг илмий ишларида кўрилган.

Битирув малака ишининг мақсад ва вазифалари: Битирув малака ишининг асосий мақсади иқтисодиётни модернизациялаш, рақобатбардошлигини таъминлаш шароитида қурилиш корхоналарида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш ва уларни иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Қўйилган мақсадга эришиш учун Битирув малака ишида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Қурилишнинг хусусиятлари ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрнини ўрганиш;
- Қурилишнинг ташкилий шакллари, уни бошқаришнинг замонавий тизими ва органларини кўриб чиқиш;
- Қурилишнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- “Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖнинг иқтисодий тавсифини ўрганиш;
- “Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖда иқтисодий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;
- “Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖ да қурилиш маҳсулотларини сифат мониторингини амалга ошириш тизимида чет эл тажрибасидан фойдаланиш;
- Корхоналарда ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Қурилиш корхоналарида меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Қурилиш корхоналарида айланма фондлари ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш;

Битирув малака ишининг объекти сифатида “Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖ танланди.

Битирув малака ишининг назарий ва услубий асослари: Битирув малака ишининг назарий асослари сифатида хориж ва МДҲ давлатлари иқтисодчиларининг, шу жумладан мамлакатимиз иқтисодчи-олимларининг иқтисодиётни рақобатбардошлигини таъминлаш, рақобат шароитида корхоналарни барқарор ривожлантириш, қурилиш корхоналарида ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишга бағишланган илмий ва амалий ишлари ташкил қилади. Битирув малака ишида, шу билан бир қаторда, статистик материаллардан, Ўзбекистон Республикасининг қонуналаридан, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан ва Президент асарларидан кенг фойдаланилган.

Битирув малака ишининг амалий аҳамияти: Битирув малака асосий хулоса ва таклифлари бутун бир мажмуани ташкил этиб, Олий ўқув юртларида “Ишлаб чиқариш менежменти”, “Корхона иқтисодиёти” каби фанларни ўқитиш жараёнларида, корхоналарни самарадорлигини баҳолашда, турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малака ишининг таркиби: Битирув малака иши кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

³ Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи. 2015 й. 17 январь.

I боб. Курилишни миллий иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни ва унинг ресурс салоҳияти

1.1. Курилишнинг хусусиятлари ва миллий иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни

Курилиш - асосий моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан биридир. У миллий иқтисодийда учинчи (саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейин) ўринда туради. қурилишнинг маҳсулоти - барча турдаги ишлар бўйича тугалланган ва ишга туширишга тайёр бўлган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари, шунингдек, амалдаги корхоналарнинг кенгайтирилиши ва қайта таъмирланиши, уларда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозланишидир. Уй-жой муаммаларининг ечими батамом қурилиш зиммасига юклатилади.

Курилиш ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва миллий иқтисодий комплекс юксалтиришда катта роль ўйнайди. Бу тармоқда жамғариш фондининг тахминан учдан икки қисми амалга оширилади, мамлакат ялпи ижтимоий маҳсулотининг 10 фоизидан кўпроқ қисми яратилади. қурилишнинг миллий хўжалик миқёсидаги аҳамияти ва етакчи роль ўйнашига яна бир сабаб шуки, у аҳолининг катта қисмини иш билан таъминлайди, фан-техника ва ижтимоий тараққиётнинг жадаллашига, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсишига имкон яратади.

Курилиш, моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида, аввало ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг характери, яъни унинг кўчмаслиги, ўлчамлари катталиги, серқирра ва мураккаблиги билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эгадир. қурилиш маҳсулоти кўп меҳнат ва капитал сарф-ҳаражатларни талаб қилади, уни ишлаб чиқариш цикли ўзоқ муддатлидир, яъни уни ишлаб чиқаришга соат ёки дақиқа эмас, балки ҳатто 10, 20 кундан ҳам кўп вақт талаб қилинади. Шунингдек, қурилишда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва меҳнат предметлари ўзига хос турда ва таркибда бўлишдан ташқари, улар ҳаракатланувчи ҳам бўлади.

Ишлаб чиқариш циклига қараб қурилиш маҳсулотининг шакли ва тайёрлиги турлича бўлади.

Тайёр қурилиш маҳсулоти - бу қурилган ва буюртмачига белгиланган тартибда топширилган асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларидир (корхоналар, электростанциялар, шахталар, уйлар, мактаблар, шифохоналар в бошқа ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш объектлари). қурилиш маҳсулоти ўзининг эксплуатация мақсадидан ташқари такрор ишлаб чиқариш функциясини ҳам бажаради ва халқ хўжалигининг асосий фондларини янгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тугалланмаган қурилиш ва тугалланмаган қурилиш ишлаб чиқаришини тайёр қурилиш маҳсулоти билан адаштириб юбормаслик керак. Уларнинг ҳажми қурилиш-монтаж ташкилотларининг ва бутун тармоқ иқтисодийнинг фаолиятига катта таъсир кўрсатади.

Тугалланмаган қурилиш - бу тугалланмаган ва фойдаланишга топширилмаган қурилиш объектлари бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмаларнинг муайян бир санадаги ҳолати бўйича олинган ҳажмидир. Тугалланмаган қурилиш таркибда амалга ошириладиган, шунингдек, вақтинча ва батамом тўхтатиб қўйилган қурилишлар ва объектлар бўйича капитал қўйилмалар ҳисобга олинади. Тугалланмаган қурилиш ҳажмларининг ўзгариши қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$H_{\text{и.о.к}} H_{\text{и.б.}} = K - B_{\text{ас.ф}} - C_{\text{кк}}$$

бу ерда:

$H_{\text{и.о.}}$ ва $H_{\text{и.б.}}$ - тугалланмаган қурилиш, мос равишда ҳисобот даврининг охири ва бошида, қиймат шаклида (смета қийматида);

K - ҳисобот давридаги капитал қўйилмалар;

$B_{\text{ас.ф}}$ - ҳисобот даврида асосий фондларни фойдаланишга топшириш;

$C_{\text{кк}}$ - белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган капитал қўйилмаларнинг қиймати.

Тугалланмаган қурилиш ишлаб чиқариши - тугалланмаган ва буюртмачига топширилмаган объектларда (қурилишларда) пудратчи ташкилот ёки ташкилотлар томонидан бажарилган қурилиш маҳсулотининг қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмини тавсифловчи қисми. Тугалланмаган қурилиш ҳажми натура ва пул ифодасида ҳисобга олинади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тугалланмаган қурилишнинг ортиқча миқдорлари - бу аслида “ўзоқ пайтдан буён қуриладиган” қурилишлардир. Улар капитал қўйилмаларнинг тартибсиз тақсимланганлиги ва тармоқ иқтисодийига ва миллий иқтисодийга жиддий зарар етказиши.

Курилиш тармоғи қуриладиган объектларнинг характери ва мақсадига қараб бир неча қуйи тармоқларга: саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, уй-жой, маданий-маиший қурилиш ва бошқаларга бўлинади. Бундай бўлиниш эса ўз навбатида қурилишда ихтисослашувни

чуқурлаштириш ва қурилиш қувватларини шакллантиришга хизмат қилади ҳамда у ёки бу тармок иқтисодийтини ривожлантириш учун керак бўлади.

Қурилиш оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, жамиятнинг ҳаётӣ эҳтиёжларини қондириш учун зарурдир. Аммо қурилиш, халқ хўжалигининг бир тармоғи сифатида ижтимоӣ ишлаб чиқариш тараққиётининг фақат энг юксак поғоналаридагина, ижтимоӣ меҳнат тақсмоти жараёнида вужудга келади.

Сўнгги йилларда фан-техника тараққиёти таъсири остида қурилиш ишлаб чиқаришида сифат ўзгаришлари юз бермоқда, уларнинг замирида эса қурилишнинг бино ва иншоотларни саноатда тайёрланган ва тайёрлик даражаси юқори бўлган деталлар ва бўлаклардан йиғишдан иборат ўзлуксиз механизациялашган жараёнга айланиши ётади.

Қурилиш ишлаб чиқаришининг характери ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Оғир қўл меҳнати йирик ва майда механизация воситалари томонидан тобора сиқиб чиқарилмоқда. қурувчи-монтажчиларнинг қурилиш майдончаларидаги меҳнати индустриал меҳнатнинг бир турига айланиб бормоқда. қурилиш ишлаб чиқаришининг техник жиҳозланганлик даражаси ортиб борган сари, жонли меҳнат сарфлари камайиб, енгиллашиб боради, бундан ташқари, унинг унумдорлиги ортади, қурилишнинг муддатлари қисқариб, унинг сифати яхшиланиб боради.

Қурилиш комплекси - пудратчи қурилиш ва монтаж ташкилотлари, уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар, қурилиш материаллари, деталлар ва конструкциялари ишлаб чиқарувчи корхоналар мажмуасидир. Қурилиш комплекси таркибига қурилишни лойиҳалаштириш, бевосита қурилиш ва унинг моддий-техник базаси киради.

Қурилишнинг асосий ишлаб чиқариш бўғинлари - бу қурилиш бошқармалари, монтаж бошқармалари, қурилиш-монтаж бошқармалари (СМУ - ҚМБ), кўчма механизациялашган колонналар (ПМК - КМК) ёки ихтисослашган механизациялашган колонналар (СПМК - ИМК), уй-жой ва завод қуриш комбинатлари (ДСК, ЗСК – УЖҚК – ЗҚК), пардозлаш ишлари бошқармалари, кўприк қурилиши отрядлари, ишга тушириш-созлаш бошқармалари ва ҳоказолардир. Уларнинг кўпчилигига бошқарувнинг юқори поғонаси сифатида тегишли трестлар бошчилик қилади. Ҳозирги пайтда, ҳукуматимизнинг иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ, хусусий қурилиш фирмалари тармоғини ташкил қилиш ва ривожлантириш, қурилишни бир-икки поғонали бошқарув тизимига ўтказиш масалалари илгари сурилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қурилишнинг қуйи ишлаб чиқариш бўғинлари баъзан саноатдаги завод ёки фабрикалар бажарадиган ишлаб чиқариш функцияларини бажармоқдалар. Айнан шу ташкилотлар асосий қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарадилар ва шу тариқа капитал қурилиш олдида қўйилган асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш вазибаларини биринчи бўлиб бажарадилар. Шунинг учун қурилишнинг халқ хўжалигининг бир тармоғи сифатидаги фаолиятининг кўрсаткичлари ва самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу бирламчи қурилиш ташкилотларининг фаолиятидаги муваффақиятларга боғлиқдир.

Нафақат қурилиш ташкилотларининг, балки буюртмачилар, лойиҳалаш муассасалари, материаллар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчи корхоналарнинг фаолияти ҳам қурилиш маҳсулотининг ишлаб чиқарилиши билан боғлиқдир. қурилиш ишлаб чиқариши иштироқчиларининг мана шундай кўплиги қурилишнинг фарқ қилувчи жиҳати бўлибгина қолмай, балки баъзан қурилиш ишининг тўлиқ муваффақиятли бўлмаслигига сабаб ҳам бўлиб қолади. Ушбу иштироқчиларнинг ҳеч бўлмагандан биттаси ўз мажбуриятларини бажармаса, қурилиш ишлаб чиқариши мароминининг бўзилишига, объектларни фойдаланишга топшириш муддатларининг кечикишига, натижада қурилиш суръатларининг пасайишига, миқдорӣ ва сифат кўрсаткичларнинг ёмонлашишига олиб келади. Шунинг учун ҳозирги кунда капитал қурилиш соҳасида учрайдиган баъзи муаммолар, камчилик ва нуқсонлар фақат қурилиш ташкилотлари самарадорлигининг етарли даражада эмаслиги оқибати эмас, балки инвестиция жараёнини ташкил қилиш ва бошқаришнинг турли босқич ва поғоналарида вужудга келаётган салбий ҳолатларнинг таъсиридир.

Мамлакатимизда халқимиз фаровонлигини кўтариш мақсадида 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, деб эълон қилиниб, мамлакатимиз қишлоқларини тубдан яхшилаш, уй-жойларни замонавий қиёфага ўзгартириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини янги даражага кўтаришга қаратилган алоҳида Давлат дастури тасдиқланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2014-йилда мамлакатимизни ижтимоӣ-иқтисодӣ ривожлантириш яқунлари ҳамда 2015-йилга мўлжалланган иқтисодӣ дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам ушбу соҳани ривожлантиришга эътибор қаратиб, “Аҳоли сони кўпайиб

бораётганига қарамасдан, одамларни уй-жой билан таъминлашда жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдонини 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга оширишга эришилди. Уй-жой фондининг деярли барчаси хусусий мулк сифатида аҳоли тасарруфида эканини айтиш лозим. Ваҳоланки, кўплаб ривожланган давлатларда оилаларнинг ярмидан кўпи ижарага олинган хонадон ва уйларда яшайди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли давлат дастурининг амалга оширилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу дастур доирасида 2014 йилда 11 мингта янги турар жойлар барпо этилди”⁴ деб таъкидладилар Президентимиз И.А.Каримов.

Президентимиз томонидан маърузада 2015-йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш кўламини янада кенгайтириш алоҳида ўрин тутиши зарурлигини таъкидланди ҳамда соҳини ривожлантириш ушбу йилдаги устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилди.

Қабул қилинган Давлат дастури асосан қуйидагиларга йўналтирилган:

- қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектуравий режалаштирилишини ташкил этиш, қишлоқда турар жой ва ижтимоий соҳа объектлари барпо этилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш;

- қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида қишлоқдаги турмуш сифатини ошириш;

- мамлакатимизнинг ўзида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, йиғма конструкциялар ва маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда қишлоқда объектлар қурилишининг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этиш ва бошқалар.

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурига мувофиқ қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узок муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1083 сонли қарори билан “Қишлоқ қурилиш банк” ташкил этилди.

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилар ҳисобланади:

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сон қарори;

“Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1083-сон қарори;

“Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкнинг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 90-сон қарори;

“Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ -1167-сон қарори;

“Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги 148-сон қарори;

“Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси иштирокида уй-жойлар қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 280 -сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш” лойиҳасини кўп марталик транш бўйича молиялаштириш дастурини амалга оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2012 йил 11 январдаги ПҚ-1683-сон қарори;

⁴ Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи. 2015 й. 17 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 14 январдаги ПҚ-1687-сонли “2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 октябрдаги 291-сонли “2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жойлар қурилиши бўйича дастурни тайёрлаш чоралари” тўғрисидаги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 январдаги “2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича индивидуал уй-жой қурилиши бўйича дастур тўғрисида” ПҚ-1902 қарори.

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ эса қишлоқ аҳоли пунктларини архитектура жиҳатидан режалаштиришни ташкил этиш ва қишлоқ қурилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан яхшилаш, шу асосда қишлоқ қиёфасини қатъиян ўзгартириш мақсадида ташкил қилинган корхона ҳисобланади.

Ўзбекистонда намунавий уй-жой қурилишини ташкил қилишнинг намунавий лойиҳаси “Қишлоққурилишлойиҳа” лойиҳа институти томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган уй -жой лойиҳаси бўлиб, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини республика минтақаларининг табиий - иқлим шароитларини ва жойларнинг рельефини, ижтимоий - демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади.

1.2. Қурилишнинг ташкилий шакллари, уни бошқаришнинг замонавий тизими ва органлари

Капитал қурилишда инвестиция жараёнининг асосий иштирокчилари сифатида одатда бажарадиган вазибаларига кўра инвестор, буюртмачи, қурувчи, пудратчи ва лойиҳаловчилар иштирок этадилар.

Инвестор - объект қурилишини молиялаштиришни хусусий ёки қарз маблағлар ҳисобига амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти. Инвестор инвестиция натижаларини тасарруф қилишга тўлиқ юридик ҳуқуқларга эга.

Шунингдек, у инвестицияларни (капитал қўйилмаларни) жалб қилиш шаклини белгилайди, қурилиш контрактларининг шартларини ишлаб чиқади, инвестиция жараёни иштирокчилари билан бўладиган молиявий-кредит муносабатларни амалга оширади. Инвестор қурилиш маҳсулотининг буюртмачиси, кредитори, харидори бўлиши, шунингдек, бевосита қурувчи функциясини бажаради.

“2014 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Инвестиция дастурини амалга оширишда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларнинг йилдан-йилга фаол иштирок этаётгани барчамизга алоҳида мамнуният бағишлайди. Биргина ўтган йилда бундай инвестициялар ҳажми 10,3 фоизга ўсиб, 4 миллиард 300 миллион долларни ёки жами инвестициялар ҳажмининг қарийб 30 фоизини ташкил этди.

Ўтган йили тижорат банкларининг инвестициявий фаолияти ҳам кенгайди. Улар томонидан 1 миллиард 700 миллион доллар ёки 2013 йилга нисбатан 20 фоиз кўп инвестициялар йўналтирилди.

Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга сарфланди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда.

2014 йилда иқтисодийтимизнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди”⁵.

Буюртмачи - техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқишдан бошлаб объектни фойдаланишга топшириш ёки объектнинг ишлаб чиқариш қувватига чиқишигача бўлган муддатда объект қурилишининг ташкилотчиси ва бошқарувчиси функцияларини қабул қилган ҳуқуқий ёки жисмоний шахс.

Мамлакатимиздаги “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167-сонли қарорига мувофиқ қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ташкил этиш бўйича ягона буюртмачи ташкилот ҳисобланади.

Қурилиш эгаси - қурилиш бўлаётган ер майдонига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳуқуқий ёки жисмоний шахс. У ер эгаси ҳисобланади. Буюртмачи қурилиш эгасидан фарқли равишда ер майдонидан қурилиш учун фақат ижара шартлари асосида фойдаланади.

Пудратчи (бош пудратчи) - пудрат шартномаси ёки контракти асосида объект қурилишини амалга ошираётган қурилиш фирмаси. Бош пудратчи қурилиш натижалари учун шартнома шартларига мувофиқ равишда буюртмачи олдида тўлиқ жавобгар бўлади. У зарур ҳолларда айрим турдаги ишларни бажариш учун қуйи пудрат ташкилотларини жалб қилиши мумкин

Лойиҳаловчи - буюртмачи билан тузилган шартнома асосида у ёки бу объектнинг келгусидаги қурилишини лойиҳаловчи лойиҳалаш ташкилоти ёки шунга ўхшаш бошқа муассаса. Лойиҳаловчи лойиҳанинг ва унинг асосидаги техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг сифати учун тўлиқ жавобгар бўлади. Буюртмачи лойиҳада кўзда тутилган ечимларга риоя қилинишини назорат қилиш учун муаллифлик назорати ўрнатади.

Қурилиш ишлаб чиқариши жараёни турли шакл ва усулларда ташкил қилиниши мумкин бўлиб, пудрат усули, ҳўжалик усули, объектларни “қулф-калит” қилиб топшириш ва сотиш шулар жумласидандир.

Пудрат усулида қурилиш мунтазам ишлаб турувчи қурилиш ташкилотлари (фирмалари) томонидан буюртмачилар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Бу қурилишнинг асосий ва энг кенг тарқалган усулидир. Бугунги кунда капитал қурилиш соҳасидаги барча пудрат ишларининг тахминан 80 фоизи шу усулда амалга оширилади. Уни амалга ошириш учун “Капитал қурилиш пудрат шартномаси” асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳўжалик усулида - объектлар қурилиши ёки қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш ишлари ҳўжалк субъектларининг - корхоналар, ташкилотлар, институтлар ва шу кабиларнинг куч ва маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Корхоналарни қайта таъмирлаш ва кенгайтириш, кичикроқ қурилиш объектлари, ҳудудлар ва хоналарни ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари кўпинча шу усулда олиб борилади.

Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда (“қулф-калит”гача) топширишда буюртмачининг функциялари бош пудратчига берилиб, у қурилишни бошидан бошлайди ва объектни буюртмачига ўзил-кесил тугалланган ҳолатда топширади. қурилишнинг бундай усули уй-жой қурилишида жуда кенг тарқалган.

Танловлар - иқтисодийда нисбатан янги ҳодиса бўлиб, бунда буюртмачи бирор объектни қуриш ёки лойиҳалаш, асбоб-ускуналар етказиб бериш бўйича танлов эълон қилаётганлигини очиқ ёки ёпиқ шаклда хабардор қилади ва ҳоҳловчиларни шу танловда иштирок этишга таклиф қилади. Бунда махсус ҳужжат тайёрланади ва унда танловнинг асосий ғояси, унинг тижорий ва бошқа шартлари кўрсатилади. Бундай ҳужжатлар мажмуаси “тендер” деб аталади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шакллардан ташқари, қурилишнинг ижтимоий меҳнат тақсимоли нуқтаи назаридан ихтисослашув, концентрация, кооперация каби ташкилий шакллари мавжуд. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу шакллар фақат қурилишда эмас, балки халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларида, аввало саноатда ҳам қўлланилади. Амалиётдан маълум бўлишича, бу шаклларни моҳирлик билан қўллаш орқали ишлаб чиқариш ва капитал қўйилмаларда юқори самарадорликка эришиш мумкин. Масалан, агар ихтисослашув ва кооперация ҳаражатларнинг камайишига, маҳсулот сифатининг яхшиланишига имкон берса, концентрация ва комбинирлаш - хом ашё ва материаллардан комплекс фойдаланишга ҳамда қурилиш соҳасида фан-техника тараққиёти кўламидан янада кенгайишига олиб келади.

⁵ Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодийтимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи. 2015 й. 17 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси



1.2.1-расм. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси

Бошқа тармоқларда бўлганидек қурилишда ҳам бошқариш тизими ишлаб чиқаришнинг нормал бориши ва ривожланиши учун зарур бўлган барча вазифаларни тўлиғича амалга оширган ҳолдагина тизим бўла олади. Бунинг учун у ёки бу вазифаларни бажариш юклатиладиган бўлимлар ва маъсул шахсларга маълум ваколат ва масулиятлар берилиши керак. Баъзи бир

вазифаларни унитиш ёки тўлиқ амалга оширмаслик ва, айниқса, масулиятсизлик бошқаришнинг тизим сифатида самарадорлигининг тушишига олиб келади. Тизим бошқариш объектига самарали таъсир кўрсата олиши учун етарли бошқариш имкониятларига эга бўлиши керак. Шу билан бирга содир бўладиган ўзгаришларга ўз вақтида муносабат кўрсатишни таъминловчи бошқарув тизими мослашувчанлигини таъминлаш зарур.

Бошқариш тизими ва вазифаларни муваффақиятли бажариши учун у қуйидаги талабларга жавоб бериши керак.

1. Барча вазифаларни тўлиқ, қамраб олиш ва уларнинг босқичлар, бўлимлар ва вазифалар бўйича оптимал тақсимланиши.

2. Бошқаришнинг ҳар бир босқичида ҳар бир бўлим ва маъсул шахсга уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун керакли бўлган ваколатларни ажратиш.

3. Вазифа ёки маъсулиятли бурчларни бажаришни таъминлаш учун қатъий жавобгарликни ўрнатиш;

4. Бошқарувчанликни таъминлаш.

5. Яккабошлик ва буйруқ беришнинг аҳамияти принципларига риоя қилиш.

6. Бошқарув ҳаражатларидаги мутаносиблик, мослашувчанлик, тежамкорлик ва ўз-ўзини ташкил этиш.

Келтирилган талаблар ичида энг асосийси-бу бошқарув тизими тежамкорлиги ва фаолиятчанлигидир. Бу ҳозирги хўжаликнинг бозор шароитларида ишлаб чиқаришни ходимларнинг минимал миқдори ва бошқарувнинг минимал сарф-ҳаражатларида самарали бошқаришда намоён бўлади. Бунда бошқарув ходимлари ва ҳаражатларини хаддан ташқари ошириб юбориш ҳам, камайтириб юбориш ҳам нотўғри бўлади.

Ўзбекистоннинг ҳам ўз давлат мустақиллигига эришиши ва ва вақтда марказлаштирилган режали иқтисодиётдан хўжалик юритишнинг бозор тизимига ўтиши халқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатлар ва бошқарув тизимини тубдан ўзгартириб юборди. Бу борада “Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси Президентининг фармони (06.05.2003 й., № Пф-3240), “Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини (12.09.2003 й. № 395) айтиб ўтиш зарур.

Бу ҳужжатларга асосланган равишда “Ўзбекистон республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (02.12.2003 й. № 538), ва “Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисида НИЗОМ” (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига 4-илова) қабул қилинди.

Қурилишнинг халқ хўжалиги тармоғи сифатида ривожланиш концепцияси давлатдан архитектура ва қурилиш қўмитасига (“Давархитект-қурилиш”), қурилишни бошқаришни эса асосан бир-икки бўғинли асосда олиб бориш кўзда тутилган. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги шароитларда қурилишни бошқариш мижозларга “калитни бериш” яъни объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шартлари асосида объектлар қурувчи қурилиш ташкилотлари - қурилиш бошқармалари ва трестлари бўлиб бормоқда.

“Ўзбекистон республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига кўра қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг муҳим вазифалари ҳисобланади:

- шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини ўтказиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифати, шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктларини режалаштириш ва қуришда шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- капитал қурилишда ислохотларнинг боришини мувофиқлаштириш ва унинг мониторингини олиб бориш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш, шартнома муносабатларининг ролини ошириш, қурилишда нархларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш, қурилишнинг бозор инфратузилмасини янада ривожлантиришга қўмаклашиш;

- капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг боришини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- танлов савдолари натижаларига кўра тузилган шартномалар мажбуриятлари бажарилишининг мониторингини олиб бориш, объектларни қуриш сифати ва муддатларини назорат қилиш.


Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларининг чекланган умумий сони 96 нафар, шу жумладан бошқарув ходимларининг сони 85 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси (1.2.1 ва 1.2.2-чизмалар), ҳудудий архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг намунавий тузилмаси (1.2.3-чизма) ушбу қарорда белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисига ходимларнинг чекланган сони доирасида раиснинг уч нафар, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари ҳамда 9 кишидан иборат ҳайъат тузиш ҳамда ходимларнинг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида қўмита марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг мазкур қўмита таркибида:

Иқтисодиёт ва қурилишни ташкил этиш, янги технологиялар илмий-тадқиқот институти негизида Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш марказини ташкил этиш;

Ҳудудий архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг намунавий тузилмаси



1.2.2-чизма. Ҳудудий архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг намунавий тузилмаси

Пудрат савдоларини (тендерларни) ташкил этиш республика бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Давлат идорадан ташқари экспертиза бош бошқармасининг капитал қурилишда нархларни шакллантириш минтақавий марказлари негизида қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари ташкил этиш;

Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармасининг Стандартлаштириш ва сертификатлаш бошқармаси негизида ҳўжалик ҳисобидаги қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика марказини ташкил этиш топширилади.

Давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари, давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари, қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг намунавий тузилмалари шунингдек улар тўғрисидаги намунавий низомлар маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини жорий молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари манбалар, шу жумладан давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари, давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари ҳамда қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари даромадларидан 10 фоиз ажратмалар ҳисобига амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларини юкланган вазифаларни бажариш, шу жумладан нархларни шакллантириш масалалари бўйича керакли материаллар ва ахборотлар тақдим этиш учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлаб борадилар.

1.3. Қурилишнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Маълумки, ҳар қандай тармоқдаги ишлаб чиқариш жараёни учта асосий элемент: меҳнат қуроллари, меҳнат предметлари ва бевосита меҳнатнинг ўзидан, яъни инсон фаолиятидан ташкил топади. Бу элементлар биргаликда ишлаб чиқаришнинг ресурс асосини ташкил қилади ва кўп жиҳатдан муайян бир ҳўжалик субъектининг - корхонанинг, қурилиш ташкилотининг ёки бутун тармоқнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини белгилаб беради. Мазкур элементларсиз ишлаб чиқариш жараёни мутлақо мавжуд бўла олмайди.

Ресурслар тушунчаси - бу пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, қонунлар, жорий ва келгусидаги имкониятлар, даромадлар ва уларнинг манбаларидир. Ресурслар табиий, моддий, иқтисодий, молиявий ресурслар, меҳнат ресурслари ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Корхоналар, тармоқлар ва бутун мамлакатнинг ресурс имкониятлари қанчалик кенг ва катта бўлса, иқтисодиёт ва унинг ривожланиш истиқболлари ҳам шунчалик барқарор бўлади.

Ишлаб чиқариш салоҳияти - бу корхона, ташкилот ва бутун тармоқнинг берилган ресурслар асосида у ёки бу ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти ёки қобилиятидир. Шунинг учун ҳам, ишлаб чиқариш салоҳиятини ишлаб чиқаришнинг ресурс имкониятларига таққосланади.

Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ресурслар билан таъминланганлик даражасига ўзаро боғлиқлигини ишлаб чиқариш шароитлари ҳамда у ёки бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжларни (истеъмолчилик талабини) ҳисобга олган ҳолда тасвирлаш мумкин.

Ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳўжалик субъектининг ишлаб чиқариш омиллари мажмуаси деб кўрсатиш мумкин. Бу омиллар шу субъектнинг халқ ҳўжалиги ва аҳолининг маълум даврдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда турли моддий неъматлар яратиш ёки хизматлар кўрсатиш имкониятларини белгилаб беради.

Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ривожланишини ўрганишда унинг фақат миқдорий баҳолаш мумкин бўлган материал-моддий омилларини эмас, балки унинг сифат омилларини (меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шарт-шароитлари, меҳнат мотивацияси, ҳўжалик механизми ва бошқаларни) ҳам таҳлил қилиш лозим. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш салоҳиятининг таркибини аниқлаш ҳам муҳим бўлиб, унда ишлаб чиқариш ресурсларининг рўйхати ва нисбати, ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат ва ресурсларнинг ўзвий уйғунлиги юз берадиган ишлаб чиқариш шароитлари акс эттирилиши лозим.

Ишлаб чиқариш салоҳияти ва ресурслар ўзаро боғлиқ категориялар сифатида ривожланиш ва самарадорликка таъсир кўрсатибгина қолмай, балки ўз навбатида ички ва ташқи омилларга, аввало фан-техника тараққиётига, бошқарув тизими ва ахборот базасига боғлиқдир. Гап шундаки, фан-техника тараққиёти ва бошқарув тизими ахборот ёрдамида янада замонавий меҳнат қуроллари ва предметларининг яратилишига, ишлаб чиқаришга сафарбар қилинадиган ресурсларнинг сифатини оширишга имкон туғдиради. Агар ишлаб чиқаришнинг материал-моддий омиллари ишлаб чиқариш ва техник салоҳиятнинг танаси бўлса, фан-техника тараққиёти, бошқарув ва ахборот унинг жонидир. Мазкур омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни куйидагича тасвирлаш мумкин:

“ФТТ - ишлаб чиқариш ресурслари” алоқаси ФТТ ютуқларининг ишлаб чиқариш ресурслари сифатида намоён бўлиши жараёнини акс эттиради, яъни ФТТ хом ашё ва материалларнинг янги турлари яратилади. ФТТ, ахборот, бошқарув ва ишлаб чиқариш шароитлари ўртасидаги алоқалар ахборот ва бошқарувнинг ўзига хос ишлаб чиқариш омиллари сифатида ишлаб чиқариш шароитларининг ФТТ даражасини ҳисобга олган ҳолдаги аҳолини белгилайди. Умуман олганда, ишлаб чиқариш ресурслари маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнига мўлжалланган бўлиб,

ўз навбатида бошқарув тизимига, ахборотга ва фан-техника тараққиётига боғлиқ бўлиб, корхоналар, тармоқлар ва бутун халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш салоҳиятига бевосита таъсир кўрсатади. қурилиш индустриясининг корхона ва ташкилотлари мана шу алоқалар ва ўзаро боғлиқликлар шароитида фаолият кўрсатади.

Асосий фондлар - ҳам моддий ишлаб чиқариш соҳасида (асосий ишлаб чиқариш фондлари), ҳам ноишлаб чиқариш соҳасида (ноишлаб чиқариш асосий фондлари) банд бўлган материал-моддий қийматлар мажмуаси. қурилиш халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун турли корхоналар, бино ва иншоотларни қуриш давомида мамлакат учун асосий фондларни бунёд этишда иштироқ этади, бироқ ўз навбатида ўзи ҳам улардан меҳнат ва ишлаб чиқариш қуроллари сифатида фойдаланади. Шунинг учун қурилиш маҳсулоти сифатида ва зарурий ишлаб чиқариш қуроллари сифатидаги асосий фондларни бир-биридан ажратиш лозим.

Асосий ишлаб чиқариш фондларига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари;
- ишчи машина ва асбоб-ускуналари;
- машина ва асбоб-ускуналари;
- транспорт воситалари;
- асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш жиҳозлари.

Ноишлаб чиқариш асосий фондларга қуйидагилар киради:

- уй-жойлар;
- коммунал хўжалик объектлари;
- маданий-маиший объектлар;
- соғлиқни сақлаш ва маориф объектлари.

Бу ерда гап бутун халқ хўжалиги балансида эмас, балки қурилиш балансида турган ноишлаб чиқариш асосий фондлари ҳақида бормоқда. Агар бундай тафовут бўлмаса, қурилишнинг ноишлаб чиқариш асосий фондлари билан жиҳозланганлиги сунъий равишда ўсиб кетиши мумкин.

Асосий фондлар натура ва пул шаклида (қиймат ифодасида) баҳоланади. Бухгалтерия ҳисобида асосий фондлар одатда корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг асосий фондлари сифатида кўрсатилади, ваҳоланки бу уларнинг элементлар бўйича, яъни бино ва иншоотлар, ишчи ва қувват машиналарида, транспорт воситаларида ва ҳоказоларда қанча маблағ борлиги бўйича ҳисобга олинишига тўсқинлик қилмайди.

Асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш даражасига ва меҳнат предметларига кўрсатадиган таъсирига қараб икки қисмга бўлинади: актив - ишчи ва қувват машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, асбоблар ва жиҳозлар; пасив - бино ва иншоотлар, яъни ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатувчи ёрдамчи жараёнлар билан банд бўлган иморатлар ва объектлар (идоралар, омборхоналар, лабораториялар, бошқарув аппарати жойлашган бинолар).

Асосий фондларни кўпайтиришни таҳлил қилиш, баҳолаш ва стратегиясини белгилаб олишда уларнинг тузилмаси - асосий фондларнинг айрим гуруҳларининг уларнинг жами қийматидаги улуши - катта аҳамият касб этади. Машина ва асбоб-ускуналарнинг, транспорт воситаларининг жами асосий фондлар қийматидаги улуши қанчалик катта бўлса, (қолган шартлар тенг бўлганда) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, фонд қайтими кўрсаткичи ҳам шу қадар юқори бўлади. Шунинг учун асосий ишлаб чиқариш фондларининг тузилмасини яхшилашга ишлаб чиқариш ва фонд қайтимини оширишнинг муҳим шарти деб қаралади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг таркибини қуйидагича яхшилаш мумкин:

- машина паркини техниканинг янги турлари билан тўлдириш йўли билан;
- ишлаб турган машина ва асбоб-ускуналарни модернизациялаш билан;
- ортиқча ва кам фойдаланиладиган асбоб-ускуналарни тугатиш билан;
- асосий фондларнинг айрим гуруҳлари ўртасида оқилона нисбатларни таъминлаш билан.

Маълумки, асосий фондлар эксплуатация жараёнида мунтазам равишда эскириб, ишдан чиқиб боради.

Асосий фондларнинг эскиришини тиклаш корхона ва ташкилотларнинг маҳсус маблағлари асосида - амортизация ажратмалари ҳисобига амалга оширилади. Уларнинг суммаси асосий фондларнинг қийматида, уларнинг хизмат муддатига, таъмирлаш ва модернизациялаш харажатларига боғлиқдир. Бу маблағлар одатда корхонанинг амортизация фондида тўпланиб боради ва фақатгина асосий фондларни тиклаш ва таъмирлаш мақсадларида фойдаланилади.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари қурилиш индустриясидаги корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш қувватига бевосита таъсир кўрсатади. қурилиш ташкилотларининг фонд билан

жиҳозланиш даражаси қанчалик юкори бўлса, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам шу қадар юкори бўлади. Ишлаб чиқариш қуввати - берилган машина ва асбоб-ускуналар, технологиялар ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш услубида (ишчилар сони ва ажратилган вақтни ҳисобга олган ҳолда) маҳсулот ишлаб чиқаришнинг (қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг) максимал ҳажми. Буни ҳисобга олган ҳолда қурилиш корхонасининг йиллик, чораклик ва ойлик ишлаб чиқариш қувватини аниқлаш мумкин

Ишлаб чиқариш қувватини ва умуман асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни ҳисоблашда бир қатор кўрсаткичлар қўлланилади. Уларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

экстенсив кўрсаткичлар - асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг вақт бўйича кўрсаткичлари;

интенсив кўрсаткичлар - асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг унумдорлик (қувват) кўрсаткичлари;

интеграл кўрсаткичлар - экстенсив ва интенсив омилларнинг жами таъсирини, яъни экстенсив ва интенсив кўрсаткичларнинг ҳосиласини ҳисобга олувчи кўрсаткичлар.

Мазкур кўрсаткичлар асосан асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг натурал кўрсаткичлари ҳисобланади ва қуйидаги категорияларни ўз ичига олади:

- асбоб-ускуналар ва машиналарнинг бандлик коэффиценти;
- алмашинув коэффиценти;
- асбоб-ускуналарнинг унумдорлиги.

Улар билан бир қаторда амалиётда асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг қиймат кўрсаткичлари ҳам кенг қўлланилмоқда. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Фонд қайтими - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати бирлигига тўғри келадиган миқдори;

Фонд сиғими - фонд қайтими кўрсаткичига тескари кўрсаткич;

Фондларнинг рентабеллиги - асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати бирлигига тўғри келадиган фойда миқдори.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини баҳолаш ва улардан фойдаланишни таҳлил қилишда меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг фонд билан қуролланганлиги ҳамда унинг яна бир тури - меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг механик қуролланганлиги каби кўрсаткичларни ҳам эътиборга олиш лозим.

Қурилиш ташкилотлари бошқа тармоқлардаги корхоналар каби, муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун фақат асосий эмас, балки айланма воситалар ҳам керак бўлиб, улар айланма фондлар ва муомала фондларига авансланган пул маблағларидан иборат. Кўпинча, бу ҳар доим ҳам тўғри бўлмаса-да, айланма воситалар айланма фондларнинг пуллик ифодаси деб аталади.

Айланма фондлар - бир ишлаб чиқариш циклида тўлиқ фойдаланиладиган айланма воситаларнинг бир қисми бўлиб, шу циклдан сўнг ўзининг дастлабки натурал-моддий шаклини йўқотиб, ўз қийматларини тўлалигича ҳосил бўлаётган маҳсулотга ўтказилади.

Муомала фонди - бу корхона ёки ташкилотнинг пул маблағлари ҳамда ҳисоб-китоблардаги маблағлардир. Демак, корхонанинг айланма воситалари - унинг айланма ва муомала фондлари йиғиндисидир.

Айланма фондлар энг муҳим икки элементдан ташкил топган: ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган ишлаб чиқариш заҳиралари ва воситаларидан ташкил топган.

Ишлаб чиқариш заҳиралари - бу ишлаб чиқариш жараёнининг ўзлуксизлигини таъминлашга мўлжалланган, аммо ҳали ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилинмаган меҳнат предметларидир (ҳом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, тайёр маҳсулотлар оморлари ёки полигонларидаги буюмлар ва конструкциялар, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар).

Ишлаб чиқариш жараёнидаги айланма фондлар - бу аввало тугалланмаган ишлаб чиқариш (қурилиш) ва келгуси давр ҳаражатларидир (вақтинчалик бино ва иншоотлар қуришга, асбоб-ускуналарни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, синовлар ўтказиш ва ҳоказоларга сарфланадиган ҳаражатлар).

Бу ҳаражатларнинг ўзига хос хусусияти шуки, улар бир ҳисобот даврида бир марта амалга оширилади лекин маҳсулотнинг (хизматларнинг) таннархига эса бўлаклаб киритиб борилади, чунки улар фақат жорий эмас, балки келгусида даврлардаги ишлаб чиқариш билан ҳам боғлиқдир.

Бугунги бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш заҳираларининг қийматини тўғри баҳолаш жуда муҳимдир. Амалиётдан маълум бўлишича, бу масалага корхона ва ташкилотлар томонидан нотўғри ёндашиш (улар ўз заҳираларини кўпайтиришга интиладилар) уларда керакли айланма воситаларнинг, шу жумладан айланма фондларнинг етишмаслигига, баъзан эса ҳатто мутлақо мавжуд бўлмаслигига олиб келади.

Заҳираларнинг уч хил тури: транспорт, жорий (омбор) ва суғурта (кафолат) заҳиралари мавжуд.

Транспорт заҳиралари - тўлов талабномаси тўланган кундан юкнинг корхона омборига келиб тушган кунигача бўлган давр.

Жорий заҳира - ишлаб чиқариш жараёнининг ўзлуксизлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига тенг бўлиши керак. Жорий заҳиранинг миқдори ўртача кунлик харажатларга ва хом ашё, материаллар, конструкциялар ва хоказоларнинг қанчалик тез-тез етказиб бериб турилишига боғлиқ. Хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришга қанчалик тез-тез келиб турса, жорий заҳира миқдори ҳам шунчалик кам бўлиши керак. Табиийки, бунда ишлаб чиқариш дастури ўзгармас бўлади.

Суғурта заҳираси таъминотдаги ва транспорт фаолиятидаги ўзилишларнинг, етказиб бериш муддатлари бўзилишининг олдини олиш учун зарур. Суғурта заҳирасининг қиймати жорий (омбордаги) заҳира учун белгиланган айланма воситалар меъёрининг 30-50 фоизи атрофида бўлиши мумкин.

Айланма воситалари шаклланиш манбаларига кўра **хусусий** ва **қарз** воситаларга бўлинади. Айланма воситаларнинг **хусусий манбалари** қаторига корхонанинг фойдасини, унинг низом капиталини, шунингдек, қўшимча ва заҳира капиталини киритиш мумкин бўлиб, улар айниқса корхонани бошқаришнинг акционерлик шакли шароитларида кўпроқ кўзатилиши мумкин.

Барқарор пасивлар, масалан, ишчи ва хизматчилар олдидаги иш ҳақи бўйича минимал кўчувчи қарздорлик, турли фондларга (бандлик, суғурта, нафақа ва бошқа фондлар) ажратмалар бўйича қарздорлик, солиқлар, йиғимлар ва бюджетга тўловлар бўйича ва бошқа қарзлар ҳам айланма воситаларнинг муҳим ички манбалари қаторига киради.

Қарз маблағлари - бу четдан, турли молиявий манбалардан жалб қилинадиган ва одатда қайтариш шarti билан маълум бир тўлов (фоиз ставкалари) эвазига олинadиган маблағлардир. Маълум келишилган шартлар асосида жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан қарзга олинган маблағлар ҳам қарз маблағлар таркибига киради.

Бозор шароитларида биринчидан, айланма маблағлар етарлича бўлиши ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига боғлиқ бўлиши, иккинчидан имкон қадар самарали фойдаланилиши жуда муҳимдир. Ушбу иккинчи ҳолат учун амалиётда икки кўрсаткич - маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти ва бир айланманинг ўртача муддати қўлланилади.

Айланувчанлик коэффициенти муайян вақт мобайнидаги айланма маблағлар миқдорини ёки берилган даврдаги айланма маблағларнинг ҳар 1 сўмига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмини кўрсатади. У қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$K_{\text{айл}} = \frac{Q}{OC}$$

бу ерда:

Q - сотилган маҳсулот ҳажми (буюртмачига топширилган ишлар ҳажми);

OC - айланма маблағларнинг ўртача қиймати.

Айланувчанлик коэффицентининг камайиши корхонанинг айланма воситалари айланишининг секинлашаётганлигидан далолат беради ва аксинча.

Бир айланманинг ўртача давомийлиги (D_{yp}) ҳисобот даври кунларининг айланувчанлик коэффициенти қийматига нисбати бўлиб, қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$D_{yp} = \frac{T_p}{K_{\text{айл}}}$$

бу ерда T_p – ҳисобот даври (360 кун, 180 кун, 90 кун).

Айланма воситаларнинг айланиш давомийлиги қанчалик кичик ёки сотилган маҳсулот ҳажми ўзгармас бўлгандаги айланишлар сони қанчалик кўп бўлса, айланма воситалар шунчалик камроқ миқдорда талаб қилинади ва аксинча, айланма воситалар қанчалик тез айланиб турса, улардан шунчалик самарали фойдаланилади. Айланма воситаларнинг айланишини жадаллаштириш самараси ресурсларнинг озод бўлиши, улардан фойдаланишнинг яхшиланиши туфайли уларга бўлган эҳтиёжнинг камайишида акс этади.

Меҳнат ресурслари - бу аҳолининг жисмонан ривожланган, ақлий қобилият ва билимларга эга, меҳнатга лаёқатли қисмидир. Одатда уларни аҳолининг иқтисодий фаол қисми деб аталади.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми (моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганларнинг тахминан 8-10 фоизи) бугунги кунда қурилиш соҳасида ишламоқда. Айнан улар қурилишнинг асосий фондларини ҳам, айланма фондларини ҳам ҳаракатга келтирадилар, халқ хўжалиги ва аҳоли учун керакли объектларни вужудга келтирадилар.

“Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараккий эттиришни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш натижасида 2014 йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда яратилгани айниқса эътиборлидир”⁶ деб таъкидлайдилар Президентимиз И.А.Каримов.

Бозор ва бозор муносабатлари шароитлари меҳнат ресурсларини маҳорат билан бошқариш ва аввало, кадрларни макроиктисодий миқёсда ҳам, унинг бирламчи бўғинлари - корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик субъектлар миқёсида ҳам кадрларни тўғри танлаб, тўғри жойлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кундаги кадрлар ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини яхши тушуниш билан бирга, иқтисодиёт ва иқтисодий ривожланиш қонунларини, бизнес-стратегияларни, илмий менежмент асосларини, хўжалик юриштининг ҳуқуқий масалаларини билишлари, ишлаб чиқаришда юзага келадиган вазифаларни тезкор еча олишлари керак.

Ислохотлардан аввалги даврда кадрлар билан ишлашнинг таҳлили унда қуйидагича салбий жиҳатлар бўлганлигини кўрсатмоқда:

- касбга йўналтиришнинг, кадрларни яъни ишчиларни ва раҳбарларни (менежерларни) танлаш ва жойлаштиришнинг расмийлиги;
- айрим ишловчиларнинг шахсий сифатларига, уларнинг меҳнат натижаларига ортиқча баҳо бериш ёки етарли баҳоламаслик;
- ишловчининг ўз иш лавозимида мос эмаслиги ёки ишга қабулқилишдаги протекционизм;
- меҳнат натижалари учун жавобгарликнинг сўсайиши;
- ўз-ўзини танқид ва ўз-ўзидан норозиликни билмаслик;
- меҳнатга ҳақ тўлашда тенглаштириш, маҳорат ва ташаббускорликка, мустақилликка етарли эътибор бермаслик.

Бугунги кунда қурилишдаги кадрлар сиёсати бошқа тармоқлардаги билан деярли бир хил бўлиб, аввало бозор талаблари ва бозор муносабатларига, қарорлар қабул қилишда мустақилликка асослангандир. Бунда асосий эътибор инсон омилининг кучайтирилишига қаратилади, чунки иқтисодий таракқиётнинг тақдирини завод ва фабрикалар, машиналар, асбоб-ускуналар ёки ишлаб чиқариш захиралари эмас, балки аввало инсонлар, ишчилар ҳал қилади. Корхона ёки ташкилотнинг фаолиятини самарали ёки самарасиз қилувчилар ҳам айнан ишчилар, меҳнат жамоасидир.

Шу муносабат билан қурилишнинг самарадорлигини оширишга инсон омилининг таъсир кўрсатишидаги асосий жиҳат қуйидагилардан ташкил топган:

- кадрларни танлаш ва илгари суриш;
- кадрларни тайёрлаш ва уларни узлуксиз ўқитиш;
- кадрлар таркибининг барқарорлиги ва ихчамлиги;
- ишчилар меҳнатини моддий ва маънавий баҳолашни такомиллаштириш.

Бу вазифаларни ҳал қилишда қурилиш ташкилотлари (фирмалари) бошқа корхоналар каби кенг фаолият миқёсига эгадирлар. Аммо бу ердаги умумий қоида шундайки, ишлаб чиқаришга маълумоти ва касбий маҳорати билан ажралиб турадиган кишилар керак. Бугунги кунда, талаб ва таклиф кўпинча бир-бирига қарама-қарши турган, энди шаклланиб келаётган меҳнат бозорида айнан ана шундай кишиларга бўлган талаб кучлидир.

Қурилишда меҳнат ресурсларини бошқариш тизими ҳозирги кунда ўзаро боғлиқ бўлган уч блокни ўз ичига олади:

- 1) корхонанинг меҳнат ресурсларини шакллантириш;
- 2) корхонанинг меҳнат ресурсларини ривожлантириш;
- 3) ҳаётнинг меҳнат даврининг сифатини ошириш.

⁶ Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи. 2015 й. 17 февраль.

II боб. “Наманган темир бетон буюмлари” масъулияти чекланган жамиятда ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш кўрсаткичлари

2.1. “Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖнинг иқтисодий тавсифи

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖ хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларни халқ истеъмоли моллари, қурилиш материаллари, темир бетон буюмлари ва бошқа маҳсулотларга, хизматларга бўлган эҳтиқондириш ва фойда олиш мақсадида таъсис этилган. Корхона Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси, “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги” қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек жамият иштирокчилари томонидан тасдиқланган таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномалари ва жамият устави) асосида ўз фаолиятини олиб боради. Корхона қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга оширади.

Жамиятнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини шакллантириш ва иқтисодий ривожлантириш, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, экспортбop маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва пировард мақсад бўлган фойда олишдан иборатдир.

Корхонанинг фаолият турлари қуйидагилардан иборат:

- маҳсулот ва турли материалларни харид қилиш, қайта ишлаш, сотиш ҳамда шу мақсадларда цехлар ташкил этиш;

- темир-бетон буюмлари ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

- жамият балансидаги кўчмас мулкларни ижарага бериш;

- хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар билан шартномалар асосида ҳақ эвазига уларга тегишли товар-моддий бойликларни омонатга сақлаш;

- иссиқхоналар ташкил этиш;

- ёғоч маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

- мебель ишлаб чиқариш ва сотиш;

- асфальт ишлаб чиқариш, сотиш ва асфальтлаш ишларини бажариш;

- ганчкорлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

- йўл қурилиши ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш;

- капитал қурилиш ишларини амалга ошириш;

- шартнома асосида аҳолига уй-жой ва таъмирлаш ишларини бажариш;

- табий газ, иссиқлик ва ичимлик ва ичимлик суви тармоқларини тортиш;

- барча турдаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш;

- хорижий ва МДХ давлатларидаги хўжалик юритувчи субъектлар билан ҳамкорлик асосида улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, ваколатхона ва филиаллар, шунингдек юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўба корхоналарни ташкил этиш;

- белгиланган тартибда экспортва импорт операцияларини амалга ошириш;

- шартнома асосида фуқароларга қурилиш хизматларини кўрсатиш;

- улгуржи ва чакана савдо, савдо-харид, тижорат ва воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

- ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш;

- аҳоли ва ташкилотларга автотранспорт ёрдамида юк ва йўловчи ташиш хизматини кўрсатиш;

- умумий овқатланиш шаҳобчаларини, ресторанлар, қаҳвахоналар, новвойхоналар, барларни ташкил этиш, музқаймоқ ишлаб чиқариш ва сотиш, салқин ичимликлар савдосини ташкил қилиш;

- ишлаб чиқариш сифатини оширишда янги замонавий техникалар олиб келиш;

- Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш “Миллий дастури”ни бажарилишга муносиб ҳисса қўшиш ва ёш кадрларни таълим олишлари учун маблағ ўтказиш йўли билан уларга амалий ёрдам бериш;

- иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, таълим ва тиббиёт соҳаси, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларга, нотижорат жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларига, кам таъминланган оилаларга қонунчиликда белгиланган тартибда хомийлик асосида ёрдам бериш;

- ўзаро ҳамкорлик тўғрисида тузиладиган шартнома шартлари асосида хўжалик юритувчи субъектларга молиявий ёрдам кўрсатиш, автотранспорт хизматлари кўрсатиш, ишлар бажариб бериш, хом-ашё ва материаллар олиб бериш, кредитлар бериш, солиқ ва бюджетга мажбурий тўловлардан бўлган боқиманда қарзларини ёпиб бериш, турли кредиторлардан бўлган қарз мажбуриятларини кредиторларни розилиги билан тўлаб бериш;


- Республика ҳудудида ва хорижда халқаро миқёсда транспорт экспедиция хизматларини кўрсатиш ва юкларни ташиш;

- консигнация омборхоналарини ташкил этиш;

- қимматли қоғозлар бозорида фаолият кўрсатиш;

- тижорат ва тадбиркорлик марказлари, савдо уйлари, супермаркет ва минимаркетлар очиш, воситачилик фаолиятлари билан шуғулланиш.

“Наманган ТББЗ” бошқарув тузилиши



2.1.1-чизма. “Наманган ТББЗ” бошқарув тузилиши

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) жамият иштирокчилари улушларининг номинал қийматларидан таркиб топади. Жамият иштирокчилари томонидан хисса сифатида қўшиладиган пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулк ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар ҳисобига барпо этилади.

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) миқдори 50000000 (эллик миллион) сўмни ташкил этади. Устав фондида жамият иштирокчиларининг улуши номинал қиймати 100000 сўмдан бўлган 500 дона пай улушларидан иборат бўлиб, жамият иштирокчиларини устав фондидаги пай улушлари қуйидагича:

- Гаппоров Воҳидхон Ғаниевичнинг улуши 90 фоиз, 450 дона пай улушига эга;
- Дадаханова Хадичахон Раҳимжоновнинг улуши 10 фоиз, 50 дона пай улушига эга.

Жамиятда устав фондидаги улушни бошқа шахсга ўтказиш тартиби қуйидагича:

- жамият иштирокчиси жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотишга ёхуд ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишга ҳақлидир. Бундай битим(шартнома)ни тузиш учун жамиятнинг ва жамият бошқа иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди;

- жамият иштирокчиси ўз улушини сотиладиган баҳони ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда жамиятни ва бошқа иштирокчиларни ёзма равишда ҳабардор қилиши, улар бир ой муддат ичида улушни сотиб олиш бўйича ўзларининг имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган тақдирда бошқа шахсларга жамият иштирокчиларига ҳабар қилинган баҳоларда ва шартларда сотиши ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин;

- жамият иштирокчисини жамият устав фондидаги ўз улушини учинчи шахсга сотиши ёхуд бошқа шахснинг фойдасига воз кечиши ҳақидаги битим ёзма равишда расмийлаштирилиб нотариал тартибда тасдиқланиши лозим;

- жамият иштирокчиси жамиятнинг устав фондидаги улушини жамият томонидан сотиб олиниши, уларни гаровга қўйиш, ундирувларни иштирокчиларнинг улушларига қаратиш, ҳуқуқий ворислик масалалари, жамият иштирокчисини жамият сафидан чиқиши билан боғлиқ масалалар “Масъулияти чекланган қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунда кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖ мол-мулки асосий ва айланма маблағлардан, шунингдек қиймати жамиятнинг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа бойликлардан ташкил топади. Жамият мол-мулкнинг шаклланиш манбалари қуйидагилардан иборат:

- устав фонди, иштирокчиларнинг пул маблағлари ва мол-мулки;
- маҳсулотлар, ишлар, хизматларни сотишдан қўриладиган даромад;
- банклар ва бошқа кредиторлар кредитлари;
- қимматли қоғозлар операцияларидан олинадиган дивидендлар;

- юридик ва жисмоний, шунингдек хорижий шахсларнинг молиявий ёрдамлари, хайрия бадаллари, хайр-эҳсонлари, шунингдек, мерос, алмашиниш ва ҳадя қилиш орқали олинадиган мол-мулклар, товар-моддий бойликлар.

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖнинг бошқарув органлари жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши, жамият Кузатув Кенгаши ва яккабошчилик асосида иш юритувчи Ижроия органидан иборат.

Жамият иштирокчиларининг жамиятнинг олий орган бўлиб унинг мутлақ ваколатларига қуйидагилар қиради:

- жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав фондини кўпайтириш;

- жамиятнинг устав фондини камайитириш;

- ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

- жамият ижроия органини тузиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва ҳоказо)

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

- жамиятнинг аудиторини тасдиқлаш;

- аудиторлик текширувини ўтказиш, жамият аудиторини ва унга тўланадиган энг юқори ҳақ миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг йиллик бизнес режасини, йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисобварагини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

- умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;

- манфаатдорлик мавжуд битимлар тузиш бўйича қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг мол-мулк сотиб олиши ва мол-мулкни бегоналаштириши билан боғлиқ йирик битимларни тузиш.

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖнинг кузатув кенгаши таркиби 3 нафардан иборат бўлиб, унинг таркибига жамият иштирокчилари бўлмаган шахслар ҳам киритилиши мумкин. Кузатув кенгаши раиси ва аъзолари жамият иштирокчилари умумий йиғилиши қарори билан камида уч йил муддатга сайланадилар

Жамият кузатув кенгашининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- жамиятнинг яккабошчилик асосида иш юритувчи ижроия органи раисини тайинлаш ва ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамият мол-мулкнинг 25 фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамият томонидан олиниши, тасарруфидан чиқариши ёки бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битимлар тузиш;

- жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалаларни хал қилиш;

- жамият ишчи ва ходимларини штатлар жадвалини тасдиқлаш.

Жамият ижро этувчи органи раиси камида уч йил муддатга жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади. Жамият раисининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди;

- жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради;

- жамият ишчи ва ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини кўради ва интизомий чораларни қонунда белгиланган тартибда белгилайди;

- жамият умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши ваколатларига кирмайдиган бошқа ваколатларни амалга оширади;

- барча ишчи ва ходимлар учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва қарорлар қабул қилади;

- жамиятнинг жорий ва истикболли режаларини бажарилишини таъминлайди ва уларни бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тайёрлайди;

- ваколатлари доирасида жамиятнинг пул маблағларини тасарруф этади;

- банкларда ҳисоб рақамлар очади, битимлар ва шартномалар тузади, ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлайди.

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖнинг умумий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлилини 2.1.1-жадвалдан кўришимиз мумкин

2.1.1-жадвал

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖнинг умумий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

	Кўрсаткичлар	2012 йил (минг сўмда)	2013 йил (минг сўмда)	2014 йил (минг сўмда)	Ўтган йилга нисбатан (%да)
1	Устав капитали	50000	50000	50000	100,0
2	Заҳира капитали	591354,8	556300,2	556300,2	100,0
3	Тақсимланмаган фойда	449061	301804,5	748546,1	248,0
4	Асосий фондлар	2334776,4	2346391,5	2267909,1	96,7
5	Номоддий активлар	5065,1	5065,1	5065,1	100,0
6	Капитал қўйилмалар	56632,4	80002,0	80002,0	100,0
7	Ишлаб чиқариш заҳиралари	1231122,7	970922,4	1120153,7	115,4
8	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	148219,7	248115,8	434449,3	175,1
9	Тайёр маҳсулот қиймати	362900,9	154674,9	420164,3	271,6
10	Дебиторлик қарзлари	3455974,2	2434726,1	6420382,1	263,7
11	Кредиторлик қарзлари	5994888,7	4521861,7	8012061,2	177,2
12	Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	7783527,2	7908511,1	8110187,8	102,6
13	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари	6776517,7	6811398,3	6515085,8	95,6
14	Соф фойда	140013,8	259909,1	645547,1	248,7
15	Корхона томонидан бюджетга тўланган солиқлар	695293,9	867525,2	1288216,9	148,5

Жадвал муаллиф томонидан корхона маълумотлари асосида тузилган

2.1.1-жадвал маълумотларидан кшриниб турибдики, корхона таъсисчилари томонидан шакллантирилган устав капиталнинг миқдори 50000 минг сўмни ташкил этган. Корхонанинг захира капитали миқдори 2012 йилда 591354,8 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу миқдор охириг икки йилда ўзгармаган ва 556300,2 минг сўмга тўғри келган. Корхонада тақсимланмаган фойда кўрсаткичининг умумий қиймати ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиб боришига мос равишда ортиб борган ва 2012 йилда 449061 минг сўмни, 2013 йилда 301804,5 минг сўмни ва 748546,1 минг сўмни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич бўйича 2014 йилда ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 248%ни ташкил этган.

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖда ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи ҳамда бошқа асосий фондларининг йиллик ўртача қиймати сезиларли ўзгариш юз бермаган. Уларнинг умумий қиймати 2014 йилда 2267909,1 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилга нисбатан камайиб, ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 96,7%ни ташкил этган. Корхонада номоддий активлар қиймати охириг уч йилда ўзгармаган ва 5061,1 минг сўмни ташкил этган.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга йўналтирилган капитал қўйилмаларнинг умумий миқдори 2012 йилда 56632,4 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2013 ва 2014 йилларда 80002 минг сўмга етган.

Корхонада айланма фондларнинг муҳим таркибий қисми бўлган ишлаб чиқариш захираларининг миқдори йилдан йилга кўпайиб бормокда. Ишлаб чиқариш захираларининг йиллик ўртача қиймати 2014 йилда 1120153,7 минг сўмни ташкил этган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 115,4%га ортган.

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖда тугалланмаган ишлаб чиқариш миқдорида охириг уч йилда кескин ўсиш ҳолати кузатилади. Бу миқдор 2012 йилда 148219,7 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб 248115,8 минг сўмни ва 2014 йилда 434449,3 минг сўмни ташкил этган.

Тайёр маҳсулот қиймати корхонада 2012 йилда 362900,9 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилнинг охирига келиб корхона бухгалтерия балансида унинг қиймати бироз пасайган ва 154674,9 минг сўмни ташкил этган. 2014 йилда эса бу миқдор ўтган йилга нисбатан 271,6 %га ортган ва 420164,3 минг сўмни ташкил этган.

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖ фаолиятида асосий муаммоларидан бири корхоналар ўртасидаги ўзаро қарзларнинг мавжуд бўлиши бўлиб, бу қарздорликнинг кўпайиб кетиши корхонада самарадорликнинг пасайишига ўз таъсирини ўтказди. Корхонанинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ўзаро қарздорлигининг асосий турларидан бири дебиторлик қарзлари охириг уч йил ичида 2014 йилда энг юқори миқдорга етган. Бу қарздорлик 2014 йилда ўтган йилга нисбатан 263,7%га ортиб 6420382,1 минг сўмни ташкил этган. Корхонанинг кредиторлик қарзлари ҳам йилдан йилга ортиб бормокда. Унинг миқдори 2014 йилда 8012061,2 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилга нисбатан 177,2%га ўсган.

2.2. “Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖда иқтисодий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Меҳнат унумдорлиги - ходимлар меҳнат фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи бўлиб маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. У ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар миқдорининг меҳнат харажатлари(маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган жонли меҳнат сарфи)га нисбатан, яъни меҳнат харажатлари бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот билан белгиланади. Корхонанинг ривожланиши ва унинг барча аъзолари фаровонлиги даражаси меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг ўсишига боғлиқдир. Бундан ташқари, меҳнат унумдорлиги даражаси ишлаб чиқариш усулини ҳам, ҳатто ижтимоий - сиёсий тузумнинг ўзини ҳам белгилаб беради.

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖнинг меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари таҳлилини 2.3.1-жадвалдан кўришимиз мумкин. Корхонада ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 2014 йилда 8110187,8 минг сўмга тўғри келган ва ўтган йилга нисбатан 102,6 %га ўсишга эришилган. Бунга асосан корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилга нисбатан ошганлиги сабаб бўлган. Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони ҳам шунга мос равишда ўтган йилга нисбатан кўпайган. Заводда 2014 йилда 379 нафар ишчи фаолият кўрсатган.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошганлиги билан ишчилар сонининг ҳам ортганлиги боис бир ишчига тўғри келувчи йиллик иш унуми ўтган йилга нисбатан камайган ва 2014 йилда 21398,9 минг сўмни ташкил этган. Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-кунлари 2012 йилда 290 кунни, 2013 йилда 298 кунни ва 2014 йилда 385 кунни ташкил этган. Шунга мос равишда бир ишчига тўғри келувчи ўртача кунлик иш унуми 2012 йилда 75,4 минг сўмни, 2013 йилда 74,1 минг сўмни ва 2014 йилда 75,1 минг сўмни ташкил этган. Иш кунининг ўртача узунлиги корхонада ўтган йилга нисбатан ўзгармаган ва 7,8 соатни ташкил этган.

Бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унумида ҳам ўтган йилга нисбатан ўсиш кузатилган. Бу кўрсаткич 2013 йилда 9,5 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 9,6 минг сўмга тўғри келган.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи меҳнат самарадорлиги ва натижадорлигининг барча жиҳатларини акс эттирмайди, масалан, у меҳнат сифатини ва молиявий натижаларни ҳисобга олмайди, бундан ташқари, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлигини ифодаламайди.

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖнинг меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йилда ўтган йилга нисбатан ўзгариши (фоиз)
1	Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш	М.сўм	7783527,2	7908511,1	8110187,8	102,6
2	Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони	Киши	356	358	379	105,9
3	Бир ишчига тўғри келувчи йиллик иш унуми (1к:2к)	М.сўм	21863,8	22090,8	21398,9	96,9
4	Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши-кунлари	Кун	290	298	285	95,6
5	Бир ишчига тўғри келувчи ўртача кунлик иш унуми (3к:4к)	М.сўм	75,4	74,1	75,1	101,3
6	Иш кунининг ўртача узунлиги	Соат	7,6	7,8	7,8	-
7	Бир ишчи томонидан бир йилда ўртача ишланган киши- соатлари (4кХ6к)	Соат	2204	2324,4	2223	95,6
8	Бир ишчига тўғри келувчи ўртача соатлик иш унуми (5к:6к) ёки (3к:7к)	Минг сўм	9,9	9,5	9,6	101,1

Жадвал муаллиф томонидан корхона маълумотлари асосида тузилган

Корхонада ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда асосий ишлаб чиқариш фондларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажми ва улардан фойдаланиш даражаси корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилайди. У ишлаб чиқариш дастурини асослашда катта роль ўйнайди ҳамда корхонанинг белгиланган номенклатура ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича потенциал имкониятларини тавсифлайди.

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖда асосий фондлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилни 6-жадвалдан кўришимиз мумкин. Жадвалдан кўриниб турибдики, корхонада асосий фондларнинг бошланғич қиймати йилдан йилга кўтарилиб борган ва 2012 йилда 2334776,4 минг сўмни, 2013 йилда 2346391,5 минг сўмни ва 2014 йилда 2267909,1 минг сўмни ташкил этган. Жорий йилда асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ўтган йилга нисбатан 96,7% ни ташкил этган. Бунга асосий сабаб корхонага янги асосий воситаларни олиб келинмаганлиги бўлган. Шунга мувофиқ равишда асосий фондларнинг эскириш суммаси ҳам йилдан-йилга кўпайиб, 2012 йилда 986488,9 минг сўмни, 2013 йилда 1192203,9 минг сўмни ва 2014 йилда 1461651,4 минг сўмни ташкил этган. 2014 йилнинг охирига асосий фондларнинг қолдиқ қиймати 806257,7 минг сўмни ташкил этган. Бу миқдор ҳам ўтган йилга нисбатан камайиб ўтган йилги кўрсаткичнинг 69,9%ига тўғри келган. Корхонада мавжуд асосий воситалар ёрдамида 2012 йилда 7783527,2 минг сўмлик, 2013 йилда 7908511,1 минг сўмлик ва 2014 йилда 8110187,8 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жорий йилда ўтган йилга нисбатан 102,6%га ортган.

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖда ишчиларнинг йиллик ўртача сони 2012 йилда 356 кишини, 2013 йилда 358 кишини ва 2014 йилда 379 кишини ташкил этган. Шунга мувофиқ равишда меҳнатни фонд билан қурланганлик даражасини ҳисоблаганимизда, бу кўрсаткич бир киши ҳисобига 2012 йилда 6558,4 минг сўмни, 2013 йилда 6554,1 минг сўмни ва 2014 йилда 5983,9 минг сўмни ташкил этганини кўрамиз.

Асосий фондларнинг эскириш даражаси асосий фондлардан йил давомида қай даражада фойдаланилганлигини, яъни уларнинг қанча қисми амортизациялаштирилганлигини ифодалайди. Корхонада асосий фондларнинг эскириш даражаси 2012 йилда 42,3% ни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб 50,8 %ни ва 2014 йилда эса 64,4%ни ташкил этган. Демак 2014 йилда асосий фондларнинг 64,4%и амортизациялаштирилган. Бу корхонада асосий воситаларнинг ҳолатини талаб даражасида эмаслигини англатади. Бу корхонада асосий фондларни янгилаш ва уларни зудлик билан модернизациялаш зарурлигини кўрсатади. Эскириш даражасига мувофиқ асосий фондларнинг ишга яроқлилик даражаси 2014 йилда 35,6 %ни ташкил этган ва жорий йилда ўтган йилги кўрсаткичга камайиб, ўтган йилги кўрсаткичнинг 72,4%ига тўғри келган.

Фонд қайтими бир сўмлик асосий фонд ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини ифодалайди. Бу кўрсаткич корхонада 2013 йилда 3,37 бирликка тенг бўлган бўлса, 2014 йилда кўпайган ва 3,58 бирликка етган. Фонд сиғими эса фонд қайтимига тескари кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткич 2013 йилда 0,296 бирликка тенг бўлган бўлса, 2014 йилга келиб 0,279 бирликка етган ва ўтган йилга нисбатан

94,3% ни ташкил этган. Бу албатта ижобий натижа ҳисобланади. Чунки корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан асосий фондларнинг миқдори нисбатан тезроқ кўпаймоқда.

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлилини 7-жадвалдан кўришимиз мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада сотилган маҳсулотлар миқдорининг ортиб боришига мос равишда айланма маблағларнинг йиллик ўртача қиймати ҳам ўзгариб борган. Айланма маблағларнинг миқдори 2012 йилда 5351133,6 минг сўмни, 2013 йилда 6212295,7 минг сўмни ва 2014 йилда 9480808,5 минг сўмни ташкил қилган.

Ишчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони 2014 йилда 379 кишини ташкил этиб ўтган йилга нисбатан 13 кишига камайган. Йил давомидаги иш кунлари эса 2014 йилда ўтган йилга нисбатан 13 кунга камайган ва 285 кунга тўғри келган.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб бир ишчига тўғри келувчи айланма маблағлар миқдорини ҳисоблаганимизда унинг миқдори 2012 йилда 15031,3 минг сўмни, 2013 йилда 17352,8 минг сўмни ва 2014 йилда 25015,3 минг сўмни ташкил этган. Бир ишчига тўғри келувчи айланма маблағлар миқдори 2014 йилда ўтган йилга нисбатан 152,6%га ортган.

Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти эса йилдан йилга камайиб борган. Бу кўрсаткич 2014 йилда 0,86 бирликка тенг бўлган ва ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 67,7% ни ташкил этган. Бу айланма маблағлар қийматини сотилган маҳсулотлар қийматига нисбатан тез ўсганлигини билдиради.

Айланма маблағларни юкланиш коэффициенти охириги уч йилда кўпайиб бориш хусусиятига эга бўлган. Бу кўрсаткич 2012 йилда 0,69 бирликка 2013 йилда 0,79 бирликка, 2014 йилда 1,17 бирликка тенг бўлган ва 2014 йилда ўтган йилга нисбатан 148,1% ни ташкил этган.

Айланма маблағларнинг айланиш давомийлиги ҳам йилдан йилга ортиб борган. Бу кўрсаткич 2014 йилда 331,4 бирликни ташкил этган ва ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 141,3%га ортган.

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларига турли омиллар таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқаришни қайта бошлаш узлуксизлигини таъминлаш учун корхона тасарруфида бор бўлган ресурслар бир маромда бир шаклдан иккинчисига (пулдан - ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришдан товар ва ниҳоят товардан-пул шаклига) ўтиши ва нормадан ортиқча тежаб қолмаслиги керак. Акс ҳолда маблағларнинг айланувчанлиги секинлашади ва ишлаб чиқариш жараёни бузилади.

“Наманган темир бетон буюмлари” МЧЖ айланма маблағларини ишлаб чиқаришда иштирок этиш характери ва унга таъсир этиш даражаси; ҳосил бўлиш манбалари бўйича таснифлаш мумкин.

Ишлаб чиқаришда *иштирок этиш характери*га кўра корхона айланма маблағларини икки гуруҳга; ишлаб чиқариш соҳасига хизмат кўрсатувчи ва муомала соҳасидаги маблағлар гуруҳларига ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга моддий ресурслардан таркиб топган айланма фондлар, хом-ашёлар, ёрдамчи материаллар, ёқилги-мойлаш материаллари ва турли эҳтиёт қисмлар киради. Иккинчисига товар ва пул шаклида, шунингдек тугалланмаган ҳисобкитоблар шаклида бўлган муомала фондлари киритилади.

2.3. “Наманган ТББЗ” МЧЖ да қурилиш маҳсулотларини сифат мониторингини амалга ошириш тизимида чет эл тажрибасидан фойдаланиш

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида очик иқтисодиётни вужудга келтириш асосида фаол иш олиб бормоқда. Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимоотида кенг миқёсда иштирок этиши очик турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир.

Республикамизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш тадбирларини изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бунда бозор иқтисодиёти – эркин иқтисодиёт эканлиги, у очик тусда бўлиб, яқкаланиш ва биқиклик унга ёт эканлигидан иборат, ҳақиқатга асосланиб иш юритмоқда. Шу боис, Ўзбекистон иқтисодиётининг келажаги унинг жаҳон хўжалигига қўшилишига боғлиқдир.

Ўзбекистонни дунёдаги 150 ортиқ давлат тан олган, уларнинг кўпчилиги билан мамлакатимиз ҳар томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик фаолиятида қатнашмоқда. Шунм айтиш керакки, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифаларни бирга қўшиш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг жорий муаммоларини ҳал этишга бевосита қўмаклашиш, мавжуд халқаро тажриба асосида, жаҳон иқтисодиёти муассасаларида молиявий, техникавий ёрдам ва маслаҳат олиш йўли билан ўтказилаётган ислохотларни қўллаб қувватлаш кўзда тутилмоқда.

Шуни тан олишимиз керакки, биз ҳозирги қурилиш ишлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда ривожланган АҚШ ва Европа давлатларидан анча орқада қолмоқдамыз.

Шунинг учун уларнинг бу соҳадаги тажрибаларидан оқилона фойдаланишимиз, уларнинг ютуқларини қурилиш соҳасида жадал тадбиқ этишимиз зарур. Шунинг учун биз бир қатор европа мамлакатларининг қурилиш соҳасини чуқурроқ таҳлил қилишимиз ва бу соҳада сифат учун олиб борилаётган чора – тадбирларни ўрганишимиз лозим.

Европа давлатларида бўлиб ўтган стагнациядан (стагнация – иқтисодий ҳолати, унда ишлаб чиқаришнинг тургунлаштириш ёки пасайиши) сўнг Европа мамлакатларининг қурилиш соҳасидаги фаоллиги анча жонланди, яъни 2001 йилда қурилиш тармоқларида ўсиш 0,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 0,5 фоизга етди.

Британиянинг “Констракшн Юроп” ойномасининг маълумотлари бўйича бу ўсиш кўпроқ Буюк Британия, Италия ва Испанияга тўғри келмоқда, яъни 2,8, 2,2 ва 4 фоиз нисбатда кўпайган. Францияда эса бу кўрсаткич 0,8 фоизда ошган бўлсада, қўшни Германияда эса қурилиш соҳасида юзага келган ноқулай шарт шaroитлар сабабли бу ўсиш камайган.



2.3.1-чизма. Қурилиш сифатини бошқариш вазифалари

Кўпгина европа мамлакатларида бу соҳада фаолликнинг пасайиши юз берган. Фақатгина Данияда, Норвегия, Португалия ва Швецияда ўсиш талаб даражасида бўлган. Қизиғи шундаки Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида – Чехия, Венгрия, Словакияда сўнгги 3 йил қаторасига қурилиш ишларининг ўсиши кузатилган. (8.7. ва 5.2. фоизда)

Польшадаги қурилиш ишларининг кейинги 2 йилдан буён камайиб кетиши, бу бозордаги ишларни орқага тортган, чунки Польшадаги қурилиш ишлари ҳажми ушбу ҳудуддаги қурилиш ишларининг 60 фоизини ташкил этади. 2001 – 2003 йилларда Польшадаги қурилиш ишлари ҳажми 6,8 ва 7,8 фоизга камайган.

“Euroconstuct” маълумотлари бўйича эса 2003 ва 2004 йилларда қурилиш бозорлари қамма европа мамлакатларида Ирландияда, Францияда, Италияда, Польшада ҳатто Германияда ҳам ривожланган.

Европа мамлакатларида қурилиш ишлари ҳажми ортиб бормоқда. Шу билан бирга Европа мамлакатларининг қурилиш комплексида олиб борилаётган қурилиш ишлари учун сифат мониторингини самарадорлигини самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хорижда сифатни бошқаришнинг замонавий концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, у Сифатни Бошқаришнинг Мажмуа Тизими (СБМТ) тамойилларига таянади. Бу тизимни Total Quality Management – TQM – деб номлашади.

Хорижда СБМТ қурилиш ишлари сифатини халқаро талабларга мос бўлишини таъминлашга қаратилган ва қурилиш жараёнининг барча босқичларида амал қилади.


Қурилиш сифатини бошқаришда қурилиш қатнашчилари таркибига кирадиган барча ташкилотлар, хизматлар ва бўлинмалар иштирок этади.

Қурилиш сифатини бошқариш ва қуйидаги вазифалар амалга оширилади (2.3.1-чизма).

Кўрсатилган вазифаларни бажариш учун СБМТни ишлаб чиқиш ва жорий қилишнинг ягона кетма-кетлиги белгиланади, унда ташкилот билан шартнома асосида фаолият юритадиган ихтисослаштирилган

фирмалар иштирок этиши керак. Тизимни яратиш бўйича ишлар қуйидаги кетма – кетликда бажарилиши мумкин:

1. Курилиш монтаж ишлари ўрганилди ва махсус доклад тайёрланди.
 2. Курилиш ишларини ўрганиш ва унинг ҳақиқий ҳолатини таҳлил қилиш асосида сифатни бошқариш тизими танланади ҳамда Сифат Дастури ишлаб чиқилади.
 3. Сифат Дастурини бажариш Қўлланмаси ишлаб чиқилади, унда сифатни бошқариш тизими амал қилиши мазмуни ва механизми баён қилинади.
 4. Маслаҳат фирмаси иштирокида махсус йиғилиш ўтказилади, унда Сифат Дастури ва Қўлланма ижро этилиши тафсилотлари, муддатлари ва ташкил қилиниши муҳокама этилади, зарур тузатишлар киритилади ва қарорлар чиқарилади.
 5. Дастур ва Қўлланма тадбирлари курилишнинг умумий режасига киритилади.
 6. Сифат Дастури ва Қўлланма курилиш монтаж ишларига жорий этилади, ихтисослаштирилган фирма вақти – вақти билан текшириш ўтказди, уларнинг натижаларини ҳужжатларда расмийлаштиради ва кўрсатилган ҳужжатларга зарур аниқликлар киритади.
 7. Дастур ва Қўлланмани амалга ошириш жараёнида ихтисослаштирилган фирма тизимни қўллаб - қувватлаши ва ташкилот манфаатларини ҳимоя қилиши зарур.
- Хорижда курилиш соҳасида сифатни бошқариш ҳаражатлари қуйидагича таъминланади.
- Курилиш объекти менежерининг тизим дорасидаги иши моҳияти жорий сифат даражасини режалаштирилган билан таққослашдан иборатдир (таққослаш модели 2.3.1 – расмда кўрсатилган).



2.3.2-расм. Жорий сифат ҳолати модели

Бундай таққослаш учун ахборотни ҳисоб ҳамда сифатни таъминлаш билан боғлиқ ҳаражатларни таҳлил қилиш беради. Бу ҳаражатлар одатда қуйидаги тарзда таснифланади:

- олдини олиш ҳаражатлари бошидан буюртмачининг нуксонсиз курилиш монтаж ишларини бажариш бўйича талабларни қондиришга йўналтирилган. Уларга курилиш сифатини таъминлаш, ўқитиш, сифат дастурини бошқариш ҳаражатларини киритиш мумкин.
- ахборот ҳаражатлари буюртмачининг жараён зарур йўналишида амалга ошаётганлигига амин бўлиш истаги билан боғлиқ. Уларга инспекция текширишлари, лаборатория назорати, операцион назоратни киритса бўлади.
- ички муаммолар билан боғлиқ камчиликларни йўқотиш ҳаражатлари (ички ҳаражатлар) жараёнини тузатиш ва тўсиқларга қарамай, хизматни буюртмачи учун қониқарли қилишга қаратилади. Уларга нуксонларни тузатиш, таъмирлаш, камчиликларни йўқотиш киради.

Буюртмачи талаблари билан боғлиқ камчиликларни йўқотиш ҳаражатлари (ташқи ҳаражатлар) буюртмачи талаблари қондирилмаганлигидан келиб чиқади. Уларга курилиш монтаж ишларини қабул қилмаслиги, буюртмачи шикоятлари, зарур жавоб чоралари киради.

Бу тасниф авваломбор муайян шахсга қаратилгани билан қизиқарли. Унинг асосида, хориж манбалари кўрсатишича 2.3.3-расмда берилган Сифат Дастури амалга оширилади. Ҳаражатларни умумий пасайтириш билан бирга уларнинг тузилмаси ҳам ўзгаради – олдини олиш ҳаражатлари улуши кўпаяди, бошқа барчасининг улуши камаёди.


Бу натижага эришиш учун тизим доирасида кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилади. Ўқитиш дастурларининг умумий йўналиши «камчиликларнинг олдини олиш орқали сифатни ошириш» сифатида кўрсатиш мумкин.

Сифатни бошқариш жараёни кўп жиҳатдан компьютерлаштирилган бўлиши керак. Компьютер ёрдамида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- сифатни таъминлаш билан боғлиқ ҳаражатларни вақт ва иш турлари бўйича тақсимлаш;
- ҳаражатлар кўпайишини талаб қиладиган иш турлари ва қийматини аниқлаш;
- ишлар нархи ўзгариш динамикаси;

- буюртмачи қурилиш ишлари билан қониқиш даражаси.

Хорижда меъёр стандартларни танлаш исталган қурилиш ишлари сифатини бошқариш тизимини ташкил этишнинг асосий босқичи ҳисобланади. Зеро қурилиш монтаж ишлари тизими ва сифатни таъминлаш тизимини (тегишли равишда уни амалга ошириш харажатларини) танлаш бевосита меъёр ва андозалар амалга оширадиган «таққослаш эталони» дан келиб чиқади. Қурилиш объекти стандарти ва меъёрларини белгилашда ҳал қилиш 4 вазифа қуйидагилардан иборат:



2.3.3-расм.Сифатни ошириш харажатлари тузилмаси

1. Қурилиш ишлари хусусиятларига буюртмачи нуқтаи – назаридан энг мақбул ўлчов талаблари даражасини белгилаш;

2. Аниқланган сифат талабларига жавоб берадиган аниқ меъёр ва стандартлар тўпламини танлаш;

3. Қурилишнинг сифат ўлчамларини таъминлаш учун (харажатлар бўйича) энг мақбул технологияларни танлаш;

4. Қурилишни бошқаришнинг барча босқичлари ва тузилмавий бўғинларида қандай сифат назорати тизимини қўллаш кераклигини ҳал қилиш.

Қуйидагиларнинг тузилмаси ва мақомини ўзгартириш янги авлод меъёрлари концептуал жиҳати ҳисобланади;

- меъёрлар уларни амалга ошириш усулига эмас, қурилиш сифатига якуний талабларни белгилаши лозим;

- хавфсизлик, атроф муҳитни ҳимоялаш, шунингдек қурилиш ишлари ишончлиги ва узоқ вақт фойдаланишини бошқарадиган меъёрлар ижро учун мажбурий исботланиши керак;

- шартномалар техник бўлимларида объектни қабул қилиш меъёрлари келтирилган бўлиб, уларга риоя этиш мажбурий бўлиши зарур.

АҚШ ва Европа мамлакатларида қурилиш соҳасида сифатни назорат қилишнинг хусусий тизими амал қилинади. Уларда қурилиш фаолияти асосиан қонун устиворлигида олиб борилади.

Қурилиш соҳасидаги ҳаммо йўналишлардаги ҳар қил кўринишдаги фаолиятни, яъни ўқитишни, лицензиялашни, экспертизадан ўтказиш ишларини камраб олган ҳолда қурилиш меъёр ва қоидаларига риоя этилишини текшириш билан фақат хусусий фирмалар шуғулланади. Бу фирмалар фаолиятининг ҳақини буюртмачи тўлайди.

III боб. Қурилиш корхоналарида ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишлари

3.1. Корхоналарда ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжалик юретишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қobiliятини акс эттиради. Ҳар қандай ишда, жумладан, корхоналар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўлмаслигини, образли қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;
- асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;
- прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
- хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Амалиётда фан-техника тараққиётининг, жумладан, унинг таркибий қисмларининг аҳамияти ва ролини инкор қилувчи ёки тушунмовчи корхона топиш амримаҳол. Бироқ ушбу омилни амалга ошириш учун фақатгина ҳоҳиш ва истакларнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун *биринчидан*, фан-техника тараққиётининг айни пайтда зарур бўлган йўналишларини излаш ва аниқлаш, *иккинчидан*, пул маблағларини ва бошқа зарур бўлган ресурслар (инвестициялар) излаб топиш, *учинчидан*, замонавий илмий-техникавий ишламаларга ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик, технологик ва бошқа илмий муассасалар билан керакли алоқаларни “боғлаш”, *тўртинчидан*, ўз илмий-техникавий мақсадларининг самаралилигини ҳисоблаб чиқиш талаб қилинади.

Фан-техника тараққиёти сўнгги пайтларгача эволюцион равишда ривожланиб келмоқда эди. Асосий эътибор амалдаги технологияларни такомиллаштириш, машина ва ускуналарни қисман замонавийлаштиришга қаратилган эди. Бундай чора-тадбирлар маълум бир чекланган натижаларга олиб келарди.

Янги техникаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритишдан манфаатдорлик талаб даражасида эмасди. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг хорижий прогрессив технологиялари “эксплуаторлик белгиси” сифатида, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаштириш эса ишсизликнинг асоси сифатида қабул қилинар эди. Хориж тажрибаларига капиталистик тажриба деб қараларди ҳамда бу тажрибаларнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмас эди.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитларда, чуқур сифат ўзгаришлари, тамойиллари янги технологиялар ва сўнгги авлод техникасига ўтиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур. Шу билан бир қаторда олимлар, конструкторлар, муҳандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Япония корхона ва фирмаларида ижодий гуруҳлар, сифат гуруҳлари ташкил қилинган, яъни фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлмиш университетлар, илмий марказ ва лабораториялар билан алоқалар ривожлантирилмоқда. Япониянинг бугунги кунда роботлар ҳамда замонавий техника ва технологияларнинг бошқа турларини яратишда биринчи ўринларда туриши ҳам бежиз эмас.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан яна бири сифатида *мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти* - асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан тежамкорлик асосида, иложи борича унумлироқ фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари уларга буюмлашган меҳнат сарфланганлиги, яъни корхонанинг бугунги эгаларидан ташқари аввалги авлод вакилларининг ҳам меҳнати мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бозор шароитларида ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурияти ҳақида қайта таъкидлашга эҳтиёж йўқ: биринчидан, бозор “вакуумни”, ҳаракатсизликни, хўжасизликни ва йўқотишларни кечирмайди, иккинчидан, ўз имкониятлари ва ресурсларидан етарлича фойдаланмайдиган корхона истикболга эга бўлмайди ҳамда банкротга учрашга асос яратади. Шу сабабли барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва айниқса ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида тежамкорликка риоя қилиш ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақият қозонишининг гарови ҳисобланади.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда *ташкилый-иқтисодий омиллар*, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга. Уларнинг аҳамияти ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига биринчи ўринда,

оқилона ишлаб чиқариш шакллари яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш - концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация қилишни киритиш мумкин.

Бошқарувда эса, бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг усул ва шакллари, яъни корхона фаолиятининг бутун ҳўжалик механизмини такомиллаштиришда ифодаланади. Корхона раҳбарининг иш стили ва усуллари фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиётига мос келиши зарур. Масалан, корхона директори билими, тажрибаси ва профессионал малакасига кўра, оддий ходимлар ва бўлинма (хизмат) раҳбарларидан юқори туриши лозим. Акс ҳолда у жамоани керакли тарзда бошқара олиши ҳамда муваффақиятга эришиши ва имиджга эга бўлиши қийин.

Режалаштиришда режаларнинг баланслаштирилиши, кўрсаткичлар тизимини оптимал шакллантириш, режалаштирилаётган мақсадлар ресурслар билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида корхонадаги иқтисодий фаолиятни кучайтириши, режалаштириш ва иқтисодий ҳисоб-китобларни ҳамда замонавий компьютер техникаси ва унинг режа иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга оширишдаги имкониятларини яхши билувчи, саводли ва малакали иқтисодчиларни танлашни талаб қилади.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида *ишлаб чиқаришни интенсификаштириш*, ишлаб чиқарилаётган *махсулотларнинг тури ва сифатини ошириш* ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, *корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш* каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усуллари билан фойдаланиш орқали эришилади.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қилади. Бироқ бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда ҳам муваффақиятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳитида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди.

3.2. Қурилиш корхоналарида меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш

Меҳнат унумдорлиги иқтисодий фаолият олиб бораётган корхона, ташкилот ёки бирор бир тармок бўйича ҳам асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Бу кўрсаткич ходимларнинг меҳнат фаолиятидаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар миқдорининг меҳнат харажатлари бирлиги ҳисобида ишлаб чиқарилган маҳсулот билан белгиланади. Бунда меҳнат харажатлари ишчи ходимлар сони ёки бажарилган меҳнат сарфини ўз ичига олади. Меҳнат самарадорлиги энг кам меҳнат харажатлари билан юқори меҳнат натижаларига эришиш даражасини ифодалайди. Меҳнат самарадорлиги аҳоли меҳнат унумдорлигидан фарқли, меҳнатнинг миқдор кўрсаткичларини эмас, балки шу билан бирга меҳнатнинг сифат натижаларини ўзида ифодалайди. Меҳнат самарадорлиги кўрсаткичининг хусусиятларидан бири унда меҳнат ресурсларини тежалишига эришилади. Меҳнат самарадорлиги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини фақат сарфланган вақт ва иш сифатини ҳисобга олган ҳолда эмас, балки бир хил ходим ҳисобида сарфланган меҳнат харажатларини ҳам акс эттиради.

Моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида-саноатда, қурилишда, қишлоқ ҳўжалигида меҳнат унумдорлигини кескин ошириш зарур. Ўзбекистонда моддий ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат унумдорлигининг нисбатан пастлиги бир томондан техникавий қуролланиш даражасининг пастлиги бўлса, иккинчи томондан меҳнаткашларнинг касбкорлик даражасининг пастлигидадир. Шунинг учун бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири шуки, иш жойларини замон талабларига мос келадиган даражада, техникавий-ташқилий ўзгартиришларни амалга ошириш керак.

Фан-техника тараққиёти авж олган ҳозирги даврда шуни таъкидлаш зарурки, энг тез ривожланган тармоқларда ходимнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг кенг миқёсли тизимини вужудга келтириш муаммоси қўндаланг бўлиб қолди. Бу муаммони ҳал қилиш учун барча ўқув юртларида, касб даргоҳларида таълим тарбия тузилишини қайта қўриб чиқиш зарурати юзага келди.

Бозор иқтисодиёти малакали кадрлардан имкони борича кўпроқ фойдаланишни тақозо этади. Лекин, Ўзбекистонда энг мураккаб муаммолардан бири-махаллий аҳолини айниқса, ёшларни индустриал меҳнатга жалб этишдир. Уни ҳал қилиш учун Миллий иқтисодиёт, иқтисодий мустақиллик, ҳатто Ватан фидойиларини тарбиялаш нуқтаи назаридан ёндошиш зарур. Бизнинг фикримизча, бунинг учун, биринчидан, бандлик жамғармаси маблағлар ҳисобидан кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш учун турли хилдаги курслар очишни кенг йўлга қўйиш зарур;

иккинчидан, корхоналар қурилаётганда уларнинг йўналиши, вазифалари тўғрисида аҳолини олдиндан хабардор қилиш керак;

учинчидан, индустриал меҳнатга меҳрни болаликдан сингдириш зарур;

тўртинчидан, меҳнатни рағбатлантириш ишчиларни социал-маиший жиҳатдан таъминлаш масалаларида корхоналар тўла мустақиллигини таъминлаш керак;

бешинчидан оммавий ахборот воситалари орқали саноат корхоналари меҳнатини тарғиб этиш, ишчилар обрў-эътиборини кўтариш айна муддаодир. Умумлаштириб айтганда, миллий индустриал

кадрларни шакллантириш республиканинг иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида республика инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун, Фарғона водийсидаги аҳолининг зичлигидан келиб чиқадиган ва аксинча, шимолий ва ғарбий зоналарда ишчи кучининг етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топиши зарур.

Бунинг учун аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда меҳнат кўпроқ талаб қиладиган қўшимча саноат корхоналарини жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқларда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш ҳисобига кулолчилик, тикувчилик, тери ошлаш, наққошлик, қурувчилик ва бошқа бир қанча тармоқли кичик ҳамда хусусий корхоналарни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Умуман, ҳукумат қарорларида белгиланган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни жадал қуриб битказиш ва ишга тушириш, ички резерв ва имкониятлардан бутун чоралар билан фойдаланишни таъминлаш лозим.

Бугунги кунда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўлларида яна бири - ёшларни ўз истакларига кўра меҳнат ресурслари етишмовчилиги бўлган бошқа жойларга жалб этишни кенг йўлга қўйиш керак. Бироқ, бунинг учун кўчиб боровчиларга етарли шароитлар (уй-жойдан тортиб юқори иш ҳақиғача) яратиш талаб этилади. Шунингдек, республикада инсон ресурсларидан оқилона фойдаланишда халқаро ишчи кучи миграциясини ҳам аҳамияти каттадир. Бозор иқтисодиёти шароитида миллий истиклол шарофати билан инсон ресурсларидан фойдаланишнинг янги имкони, яъни ёш ва малакали инсон ресурсларини жаҳон меҳнат бозорига чиқариш, бошқа хорижий юртларга бориб ишлаш имконияти юзага келди.

Оврупо Иттифоқига кирган бир қанча мамлакатлар (Туркия, Греция, Италия, Испания, Португалия, Жазоир ва бошқалар) меҳнаткашлари Германия, Франция, Голландия, Швецария, Бельгия каби иқтисодиёти ривожланган мамлакатларга келиб ишлайдилар, даромад топадилар, бу билан ўз давлатлари ички миллий маҳсулотига салмоқли даромад келтирадилар.

Жаҳон меҳнат бозорида Ўзбекистон ишчи кучларини ҳам экспорт, ҳам импорт қилувчи давлат сифатида қатнашиши мумкин. Умуман олганда, аҳоли миграцияси - объектив зарурият ҳисобланади. Ҳар бир мамлакат ҳудудида бу жараён доимо давом этади. Фақат АҚШда ҳар йили мамлакат ичида 42 миллион киши ўзининг яшаш жойини ўзгартириб юради. Аҳоли ёки ишчи кучлари миграциясида Ўзбекистон ҳам фаол қатнашиши зарурдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш ва бу борада юқоридаги тадбирларни самарали амалга ошириш учун инсон ресурсларини бошқаришни тўғри йўлга қўйилиши керак, бунинг учун бозор талабларига мос келувчи, янги бошқарув тизимини яратиш керак. Жамиятда инсон ресурсларини бошқариш (меҳнат ресурслари, иш ҳақи, меҳнатни нормалаш, меҳнат шароитлари, меҳнат тарбияси) каби алоҳида бўғинларни, шунингдек, (ижтимоий меҳнат тақсимоти, меҳнат характери) бошқариш демакдир.

Инсон ресурсларини бошқариш тизим сифатида бир қатор бўғинлардан иборат. Бунда ишчи кучларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашни бошқариш жараёни муҳим ўрин тутди. Инсон ресурсларини бошқариш объекти - ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришни, тақсимот, фойдаланиш босқичларини ўз ичига олади. Хуллас, инсон ресурсларини бошқариш қуйидаги бўғинлардан иборат бўлиши керак.

кадрларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқариш жараёнига жойлаштириш;

мутахассисларни фан-техника талабларига жавоб беришларини таъминлаш мақсадида улар ҳаракатчанлигини йўлга қўйиш;

инсон ресурсларини сифат томонларини такомиллаштириш;

ишчиларни меҳнатга моддий ва маънавий қизиқишларини шакллантириш;

меҳнаткашларни турмуш тарзини яхшилаш, меҳнатнинг социал шароитлари комплексини такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш орқали оғир қўл меҳнатини қисқартириш, инсон ресурсларини бошқаришнинг асосий вазифасидир.

Шунингдек, инсон ресурсларини бошқариш қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш орқали амалга оширилади:

турли хилдаги касб-малака ва социал демографик кўрсаткичларга эга бўлган ишчилар сони билан иш жойлари таркиби ўртасидаги мувофиқликни юқори даражада таъминлаш;

ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш жараёнини мукаммаллаштириш;

мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг таъсирчан тизимини яратиш;

ёшларда меҳнат тарбиясини иложи борица эртароқ, бошлаш.

Ҳозирги замонда ишлаб чиқаришни ишчи кучининг миқдори ва сифатида бўлган талабини қондиришга, уни республика тармоқлари ва ҳудудлари ўртасида шунчаки «тақсимлаш» орқали эришиб бўлмайди. Бунинг учун махсус янги бошқарув тизимини яратиш зарур. Шунингдек, фикримизча, инсон ресурсларини тўғри бошқариш учун, ундан самарали фойдаланишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу дастурлар ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур ҳудудлар шароитларига мос келадиган қилиб тузилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, ишчи кучидан оқилона фойдаланиш ва бошқаришдан мақсад аҳолини меҳнатга бандлигини ошириш, миллий иқтисодиётни инсон ресурсларига бўлган талабни тўлароқ қондириш, шунингдек, меҳнаткашларнинг малака, маълумот, касб-корлик даражаларини ошириш ва уларни жамиятнинг социал иқтисодий ривожланиш шароитларига мослаштириш орқали жамият инсон ресурсларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишдир.

3.3. Қурилиш корхоналарида айланма фондлари ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш

Қурилиш ташкилотлари бошқа тармоқлардаги корхоналар каби, муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун фақат асосий эмас, балки айланма воситалар ҳам керак бўлиб, улар айланма фондлар ва муомала фондларига авансланган пул маблағларидан иборат. Кўпинча, бу ҳар доим ҳам тўғри бўлмаса-да, айланма воситалар айланма фондларнинг пуллик ифодаси деб аталади.

Айланма фондлар - бир ишлаб чиқариш циклида тўлиқ фойдаланиладиган айланма воситаларнинг бир қисми бўлиб, шу циклдан сўнг ўзининг дастлабки натурал-моддий шаклини йўқотиб, ўз қийматларини тўлалигича ҳосил бўлаётган маҳсулотга ўтказилади.

Муомала фонди - бу корхона ёки ташкилотнинг пул маблағлари ҳамда ҳисоб-китоблардаги маблағлардир. Демак, корхонанинг айланма воситалари - унинг айланма ва муомала фондлари йиғиндисидир.

Айланма фондлар энг муҳим икки элементдан ташкил топган: ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган ишлаб чиқариш заҳиралари ва воситаларидан ташкил топган.

Ишлаб чиқариш заҳиралари - бу ишлаб чиқариш жараёнининг ўзлуксизлигини таъминлашга мўлжалланган, аммо ҳали ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилинмаган меҳнат предметларидир (хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёкилғи, тайёр маҳсулотлар омборлари ёки полигонларидаги буюмлар ва конструкциялар, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар).

Ишлаб чиқариш жараёнидаги айланма фондлар - бу аввало тугалланмаган ишлаб чиқариш (қурилиш) ва келгуси давр ҳаражатларидир (вақтинчалик бино ва иншоотлар қуришга, асбоб-ускуналарни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, синовлар ўтказиш ва ҳоказоларга сарфланадиган ҳаражатлар).

Бу ҳаражатларнинг ўзига хос хусусияти шуки, улар бир ҳисобот даврида бир марта амалга оширилади лекин маҳсулотнинг (хизматларнинг) таннархига эса бўлаклаб киритиб борилади, чунки улар фақат жорий эмас, балки келгусида даврлардаги ишлаб чиқариш билан ҳам боғлиқдир.

Бугунги бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш заҳираларининг қийматини тўғри баҳолаш жуда муҳимдир. Амалиётдан маълум бўлишича, бу масалага корхона ва ташкилотлар томонидан нотўғри ёндашиш (улар ўз заҳираларини кўпайтиришга интиладилар) уларда керакли айланма воситаларнинг, шу жумладан айланма фондларнинг етишмаслигига, баъзан эса ҳатто мутлақо мавжуд бўлмаслигига олиб келади.

Заҳираларнинг уч хил тури: транспорт, жорий (омбор) ва суғурта (кафолат) заҳиралари мавжуд.

Транспорт заҳиралари - тўлов талабномаси тўланган кундан юкнинг корхона омборига келиб тушган кунигача бўлган давр.

Жорий заҳира - ишлаб чиқариш жараёнининг ўзлуксизлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига тенг бўлиши керак. Жорий заҳиранинг миқдори ўртача кунлик ҳаражатларга ва хом ашё, материаллар, конструкциялар ва ҳоказоларнинг қанчалик тез-тез етказиб бериб турилишига боғлиқ. Хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришга қанчалик тез-тез келиб турса, жорий заҳира миқдори ҳам шунчалик кам бўлиши керак. Табиийки, бунда ишлаб чиқариш дастури ўзгармас бўлади.

Суғурта заҳираси таъминотдаги ва транспорт фаолиятидаги ўзилишларнинг, етказиб бериш муддатлари бўзилишининг олдини олиш учун зарур. Суғурта заҳирасининг қиймати жорий (омбордаги) заҳира учун белгиланган айланма воситалар меъёрининг 30-50 фоизи атрофида бўлиши мумкин.

Айланма воситалари шаклланиш манбаларига кўра **хусусий** ва **қарз** воситаларга бўлинади. Айланма воситаларнинг хусусий манбалари қаторига корхонанинг фойдасини, унинг низом капиталини, шунингдек, қўшимча ва заҳира капиталини киритиш мумкин бўлиб, улар айниқса корхонани бошқаришнинг акционерлик шакли шароитларида кўпроқ кўзатилиши мумкин.

Барқарор пасивлар, масалан, ишчи ва хизматчилар олдидаги иш ҳақи бўйича минимал кўчувчи қарздорлик, турли фондларга (бандлик, суғурта, нафақа ва бошқа фондлар) ажратмалар бўйича қарздорлик, солиқлар, йиғимлар ва бюджетга тўловлар бўйича ва бошқа қарзлар ҳам айланма воситаларнинг муҳим ички манбалари қаторига қиради.

Қарз маблағлари - бу четдан, турли молиявий манбалардан жалб қилинадиган ва одатда қайтариш шарти билан маълум бир тўлов (фоиз ставкалари) эвазига олиннадиган маблағлардир. Маълум келишилган шартлар асосида жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан қарзга олинган маблағлар ҳам қарз маблағлар таркибига қиради.

Бозор шароитларида биринчидан, айланма маблағлар етарлича бўлиши ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига боғлиқ бўлиши, иккинчидан имкон қадар самарали фойдаланилиши жуда муҳимдир. Ушбу иккинчи ҳолат учун амалиётда икки кўрсаткич - маблағларнинг айланивчанлик коэффициенти ва бир айланманинг ўртача муддати қўлланилади.

Айланувчанлик коэффициентини муайян вақт мобайнидаги айланма маблағлар миқдорини ёки берилган даврдаги айланма маблағларнинг ҳар 1 сўмига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмини кўрсатади. У қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$K_{\text{айл}} = \frac{Q}{OC}$$

бу ерда:

Q - сотилган маҳсулот ҳажми (буюртмачига топширилган ишлар ҳажми);

OC - айланма маблағларнинг ўртача қиймати.

Айланувчанлик коэффициентининг камайиши корхонанинг айланма воситалари айланишининг секинлашаётганлигидан далолат беради ва аксинча.

Бир айланманинг ўртача давомийлиги (D_{yp}) ҳисобот даври кунларининг айланувчанлик коэффициенти қийматига нисбати бўлиб, қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$D_{yp} = \frac{T_p}{K_{\text{айл}}}$$

бу ерда T_p – ҳисобот даври (360 кун, 180 кун, 90 кун).

Айланма воситаларнинг айланиш давомийлиги қанчалик кичик ёки сотилган маҳсулот ҳажми ўзгармас бўлгандаги айланишлар сони қанчалик кўп бўлса, айланма воситалар шунчалик камроқ миқдорда талаб қилинади ва аксинча, айланма воситалар қанчалик тез айланиб турса, улардан шунчалик самарали фойдаланилади. Айланма воситаларнинг айланишини жадаллаштириш самараси ресурсларнинг озод бўлиши, улардан фойдаланишнинг яхшиланиши туфайли уларга бўлган эҳтиёжнинг камайишида акс этади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Иқтисодийни модернизациялаш, диверсификациялаш жараёнида чуқур сифат ўзгаришлари, таомиллари янги технологиялар ва сўнги авлод техникасига ўтиш, иқтисодийнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қурулантириш зарур. Шу билан бир қаторда олимлар, конструкторлар, муҳандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири сифатида мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти - асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан тежамкорлик асосида, иложи борича унумлироқ фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари уларга буюмлашган меҳнат сарфланганлиги, яъни корхонанинг бугунги эгаларидан ташқари аввалги авлод вакилларининг ҳам меҳнати мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бозор шароитларида ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурияти ҳақида қайта таъкидлашга эҳтиёж йўқ: биринчидан, бозор “вакуумни”, ҳаракатсизликни, ҳўжасизликни ва йўқотишларни кечирмайди, иккинчидан, ўз имкониятлари ва ресурсларидан етарлича фойдаланмайдиган корхона истикболга эга бўлмайди ҳамда банкротга учрашга асос яратади. Шу сабабли барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва айниқса ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида тежамкорликка риоя қилиш ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақият қозонишининг гарови ҳисобланади.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда ташкилий-иқтисодий омиллар, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга. Уларнинг аҳмияти ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва ҳўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига биринчи ўринда, оқилона ишлаб чиқариш шакллари яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш - концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация қилишни киритиш мумкин.

Бошқарувда эса, бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг усул ва шакллари, яъни корхона фаолиятининг бутун ҳўжалик механизмини такомиллаштиришда ифодаланади. Корхона раҳбарининг иш стили ва усуллари фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиётига мос келиши зарур. Масалан, корхона директори билими, тажрибаси ва профессионал малакасига кўра, оддий ходимлар ва бўлинма (хизмат) раҳбарларидан юқори туриши лозим. Акс ҳолда у жамоани керакли тарзда бошқара олиши ҳамда муваффақиятга эришиши ва имиджга эга бўлиши кийин.

Режалаштиришда режаларнинг баланслаштирилиши, кўрсаткичлар тизимини оптимал шакллантириш, режалаштирилаётган мақсадлар ресурслар билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида корхонадаги иқтисодий фаолиятни кучайтиришни, режалаштириш ва иқтисодий ҳисоб-китобларни ҳамда замонавий компьютер техникаси ва унинг режа иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга оширишдаги имкониятларини яхши билувчи, саводли ва малакали иқтисодчиларни танлашни талаб қилади.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида ишлаб чиқаришнинг интенсивлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усуллари билан фойдаланиш орқали эришилади.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қилади. Бироқ бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда ҳам муваффақиятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳитида қулай ахволда бўлишини таъминлайди.

Самарадорлик исталган корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилятини акс эттиради. Ҳар қандай ишда, жумладан, қурилиш корхоналар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўлмаслигини, образли қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланаётган ёкилғи-энергия ресурслари миқдорини камайтириш бу маҳсулотлар таннархининг пасайишига, уларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатдошлиги ортишига олиб келади, бу ресурсларни келажак авлодлар учун тежаш имкониятини яратади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини жорий этиш борасидаги камчиликларни бартараф этиш масаласи айниқса озиқ овқат, енгил саноат, фармацевтика ва қурилиш моллари каби истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқларга тегишли.

Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини ошириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини даражасини кўтаришга салбий таъсир кўрсатаётган, юқорида санаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш корхоналар олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Бу вазифани амалга ошириш саноат тармоқларида маҳсулот таннархини камайтириш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлаш ва ишга солиш, ишлаб чиқаришни материал ва энергияни тежайдиган замонавий ускуналар билан қурулантириш, мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш, хомашё ва материаллар ҳамда ёрдамчи тармоқлар хизматлари нархини асоссиз ўсишини иқтисодий йўллар билан чеклаш, саноат

кооперациясини кучайтириш ва хориждан олиб келинаётган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида самарадорликнинг алоҳида ўрни мавжуд. Бозор иқтисодиёти натижалиликни, фойдалиликни тақозо этади. Тартибли бозорга асосланган иқтисодиётда энг кам ресурс сарфлаб кўп натижага эришиш зарур. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида 5 турдаги ресурслар тизими ҳаракатда бўлади: а) моддий ресурслар, б) меҳнат ресурслари, в) молиявий ресурслар, г) энергетик ресурслар, д) ахборот яъни информацион ресурслар. Мана шу ресурслардан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш мумкин. Бундай фаолият ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишида муҳим аҳамият касб этади.

Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;
- асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;
- прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
- хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Бозор муносабатлари чуқурлашаётган ҳозирги шароитларда, чуқур сифат ўзгаришлари, тамойиллари янги технологиялар ва сўнгги авлод техникасига ўтиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур. Шу билан бир каторда олимлар, конструкторлар, муҳандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан яна бири сифатида мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти - асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан тежамкорлик асосида, иложи борица унумлироқ фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари уларга буюмлашган меҳнат сарфланганлиги, яъни корхонанинг бугунги эгаларидан ташқари аввалги авлод вакиллариининг ҳам меҳнати мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларида фойдаланиш орқали эришилади.

Юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қилади. Бироқ бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда ҳам муваффақиятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳитида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “2015 йилда иқтисодий-иқтисодий туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2015 йил, 17 январь.
2. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2014 йил, 18 январь.
3. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2013 йил, 19 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузаси Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.
5. «Барча режа ва дастурларимиз ватамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади». Президент ислоҳ Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январь.
6. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислоҳ Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
7. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
8. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
10. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислоҳ Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
11. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодий-реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодий-реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПК-1041-сон.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПК-1046-сон.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПК-1047-сон.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллий нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 29 январь, ПҚ-1051-сон.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида. 2009 йил 13 февраль.
23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
24. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).
25. Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари (ўзбек ва рус тилларида). Илмий-оммабоп қўлланма. (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 б. (электрон версияси билан).
26. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У.). - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 10 б.
27. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари. Экспресс-тестлар. (Бекмуродов А.Ш., Амонбоев М.А., Каттаев Н.Т.). - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 15 б.
28. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).
29. Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари (ўзбек ва рус тилларида). Илмий-оммабоп қўлланма. (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 б. (электрон версияси билан).
30. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У.). - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 10 б. (электрон версияси билан).
31. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари. Экспресс-тестлар. (Бекмуродов А.Ш., Амонбоев М.А., Каттаев Н.Т.). - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 15 б. (электрон версияси билан).
32. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.
33. Ғоziбеков Д.Ғ., «Ўзбекистонда инвестициявий муҳит ва уни яхшилаш йўллари». "Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида эркинлаштириш ва жаҳон тажрибасини қўллашнинг долзарб муаммолари". Мавзусидаги халқаро илмий - амалий конференция тўплами. БМА, 30 май, Тошкент, 2001.
33. Хошимов К. "Хорижий инвестициялар ҳудудий тақсмотини мукамаллаштиришнинг солиқ усули / Бозор, пул ва кредит. - 2003. - N 1. - С. 37-39
34. Худайкулов З. "Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини давлат томонидан бошқариш ва инвестиция фаолиги муаммолари". / "Рынок ценных бумаг". - Т., 2002. - №2, стр.2-3
35. Жабриев А., Турдибеков Н. «Қурилишда ахборот маркетинг тизимлари: муаммо ва ечимлар». Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 8-9-сон, 2003, 2-3-бетлар.
36. Элмуродов М. «Инвестицион жараёни жадаллаштириш». Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 6-сон, 2002, 28-30-бетлар.
37. Бегматова Г. «Замонавий менежмент бошқарувида тузилмавий йўналишни такомиллаштириш». Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 3-сон, 2003, 58-59-бет.
38. Боймуратов З., Садовникова Н «Қурилиш мажмуасида тизимли ёндашув фойдалигини баҳолаш» Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 9 сон, 2002, 37-39-бетлар.
39. Хайтанов А. «Бошқарув жараёнида ахборотнинг муҳим аҳамиятга эгалиги» Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 4 сон, 2003, 62-бет.

Интернетдан олинган материаллар

40. Организация труда. Интернет. www.romic.ru

41. Управления промышленной фирмой: социально-экономические аспекты. [http://referat. Ru/ document/ 475](http://referat.Ru/document/475)
42. Организация, планирование и управление предприятием. [http:// referat. Ru/ document/ 475](http://referat.Ru/document/475)